

ISSN 218-8088

# XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

---

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

---

**Muassis:**

"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

**PUBLIC EDUCATION BULLETIN**

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

**2017**











**4-son**











(iyul-avgust)

Jurnal 2015-yildan chiqa boshlagan

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi  
137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

TOSHKENT

|   |    |
|---|----|
| Kirish .....  | 4  |
|  O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi hamda Xitoy Xalq Respublikasi o'rtasida har tomonlama strategik hamkorlikni yanada kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2017-yil 19-maydagi PQ-2982-sonli qarori ijrosini ta'minlash to'g'risidagi <b>2017-yil 20-maydagi 169-sonli buyrug'i</b> ..... | 5  |
|  O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining A.Avloniy nomidagi xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish markaziy institutidagi malaka oshirish kurslarini hududlarda tashkil etish to'g'risidagi <b>2017-yil 23-may 170-sonli buyrug'i</b> .....   | 7  |
|  O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining Huquqbuzarliklar profilaktikasining samaradorligini baholash mezonlarini tasdiqlash to'g'risidagi <b>2017-yil 24-may 173-sonli buyrug'i</b> .....   | 11 |
|  O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Qoraqalpog'iston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi, Toshkent shahar xalq ta'limi bosh boshqarmasi va viloyatlar xalq ta'limi boshqarmalarida tashkil etiladigan apellyatsiya komissiyalari tarkibi hamda ularning ish tartibini tasdiqlash haqidagi <b>2017-yil 25-may 177-sonli buyrug'i</b> .....                            | 19 |
|  O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining "Yilning eng yaxshi chet tili o'qituvchisi" ko'rik-tanlovini tashkil etish to'g'risidagi <b>2017-yil 29-may 183-sonli buyrug'i</b> .....   | 22 |
|  O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-maydagi PF-5059-son farmoni ijrosini ta'minlash to'g'risidagi <b>2017-yil 30-may 186-sonli buyrug'i</b> .....  | 36 |
|  O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 2-iyundagi PQ-3030-son qarori ijrosini ta'minlash to'g'risidagi <b>2017-yil 3-iyun 188-sonli buyrug'i</b> .....  | 41 |
|  O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 3-iyundagi PQ-3031-son "Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori ijrosini ta'minlash to'g'risidagi <b>2017-yil 3-iyun 189-sonli buyrug'i</b> .....  | 42 |
|  O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlari talablari asosida takomillashtirilgan o'quv dasturlarini tasdiqlash va amaliyotga joriy etish to'g'risidagi <b>2017-yil 3-iyul 190-sonli buyrug'i</b> .....   | 51 |
|  O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining "Barkamol avlod" bolalar markazlarida bolalar o'qiganligi uchun ota-onalar to'lovini undirish va undan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqidagi <b>2017-yil 6-iyun 32-sonli qarori</b> .....  | 56 |

|   |   |     |
|---|---|-----|
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining 2017-2018 o'quv yilida imkoniyati cheklangan bolalar uchun mo'ljallangan ta'lim muassasalarini o'quv-metodik majmualar bilan ta'minlash to'g'risidagi <b>2017-yil 7-iyun 195-sonli buyrug'i</b> .....  | 58  |
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Ta'lim muassasalarida O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyasi qabul qilinganining yigirma besh yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish to'g'risidagi <b>2017-yil 22-iyun 204-sonli buyrug'i</b> .....  | 61  |
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 22-iyundagi PQ-3079-sonli qarori ijrosini ta'minlash to'g'risidagi <b>2017-yil 24-iyun 209-sonli buyrug'i</b> .....   | 66  |
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Ta'lim rus tilida olib borilayotgan umumiy o'rta ta'lim maktablari fan o'qituvchilarining kasbiy mahoratini oshirib borishni tashkil etish to'g'risidagi <b>2017-yil 24-iyun 210-sonli buyrug'i</b> ...  | 80  |
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Umumta'lim muassasalarining chet tillar o'qituvchilari kasb mahoratini oshirish har haftalik kurslari yakuniy attestatsiyasini o'tkazish to'g'risidagi <b>2017-yil 27-iyun 214-sonli buyrug'i</b> .....  | 83  |
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Ayrim fanlar chuqur o'rganiladigan davlat umumta'lim muassasalarining ixtisoslashtirilgan sinflari hamda davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari uchun tayanch o'quv rejalari tasdiqlash to'g'risidagi <b>2017-yil 27-iyun 215-sonli buyrug'i</b> ..... | 94  |
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Xalq ta'limi tizimida huquqbuzarliklar profilaktikasi hamda jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida yagona axborot tizimini bosqichma-bosqich tatbiq qilish chora-tadbirlari to'g'risidagi <b>2017-yil 30-iyun 216-sonli buyrug'i</b> .....                      | 96  |
|  | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vaziriligining "Maktabgacha va umumiy o'rta ta'limni takomillashtirish" loyihasi doirasida 7 nomdagi kitoblarni ta'limni o'zlashtirish jarayonini o'rganish va amaliy yordam berish to'g'risidagi <b>2017-yil 30-iyun 219-sonli buyrug'i</b> .....                            | 101 |
|  | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Xalq ta'limi tizimida yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O'zbekiston yoshlar ittifoqi bilan hamkorlikni tashkil etish to'g'risidagi <b>2017-yil 6-iyul 224-sonli buyrug'i</b> .....   | 104 |
|  | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o'zgartirishlar kiritilganligi to'g'risidagi <b>2017-yil 17-iyul 231-sonli buyrug'i</b> .....  | 110 |

## KIRISH

30-iyun sanasi bundan buyon mamlakatimizda Yoshlar kuni sifatida keng nishonlanadi. Bu sana Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan taklif qilindi va yigit-qizlarimiz uchun haqiqiy xushxabar bo'ldi. Zero, yoshlarga e'tibor kelajakka, ertangi kunga e'tibordir.

Shu jihatdan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O'zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini qo'llab-quvvatlash to'g'risida"gi Farmoni yurtimiz yoshlari hayotida katta yangilik bo'ldi. Bu o'z o'rnida Davlatimiz rahbarining yoshlarga bunyodkor kuch sifatida qarab, ularning imkoniyatlariga katta ishonch bildirganidan dalolatdir.

Xalq ta'limi vazirining "Xalq ta'limi tizimida yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O'zbekiston yoshlar ittifoqi bilan hamkorlikni tashkil etish to'g'risida"gi buyrug'i yuqoridagi Farmon ijrosini ta'minlashga qaratilgani bilan muhim ahamiyatga ega. Buyruqda "Men sevib o'qigan kitob" va "Eng yaxshi kitobxon", respublika tanlovlari, "Kitob bayrami" va "Bolalar kitoblari" an'anaviy respublika festivallarini; "Biz Vatanga tayanchimiz", "Bizning eng katta tayanchimiz va suyanchimiz, hal qiluvchi kuchimiz yoshlar" shiorlari ostidagi aksiyalarni; yozuvchilar, shoirlar, san'atkorlar, adabiyotshunos olimlar ishtirokidagi uchrashuvlarni; respublikaning chekka hududlarida xalq rassomlari, xalq ustalari bilan bolalar, yoshlar va ularning ota-onalari uchun master-klasslar va ijodiy uchrashuvlarni; "Eng buyuk jasorat – ma'naviy jasoratdir" mavzusida davra suhbatlarini doimiy ravishda tashkil etish belgilangan. Shuningdek, buyruqda vazirlik tizimidagi muassasalar O'zbekiston yoshlar ittifoqining joylardagi hududiy va tuman (shahar) kengashlari bilan yaqin hamkorlik qilish, rahbar xodimlarning esa, har oyda kamida bir marta yoshlar bilan ochiq muloqotlar o'tkazib borishlari ta'kidlangan.

Jurnalning ushbu sonida Xalq ta'limi vazirining "Huquqbuzarliklar profilaktikasining samaradorligini baholash mezonlarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i ham chop etilmoqda. Unda Prezidentimizning "Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish to'g'risida"gi qarori (2017-yil 14-mart) ijrosini ta'minlash hamda o'quvchilar o'rtasida huquqbuzarliklarning oldini olish yuzasidan o'tkazilayotgan profilaktik tadbirlar samaradorligini yanada oshirish ko'zda tutilgan. Buyruqda xalq ta'limi tizimida huquqbuzarliklar profilaktikasining samaradorligini baholash mezonlari va ushbu mezonlarga tushuntirish xati berilgan.

Albatta, xalqimizning tinch, farovon hayotini ta'minlash eng muhim vazifa. Bu borada tegishli Dasturlar amalga oshirilmoqda. Xalq ta'limi vazirining "Xalq ta'limi tizimida huquqbuzarliklar profilaktikasi hamda jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida Yagona axborot tizimini bosqichma-bosqich tatbiq qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi buyrug'ida vazirlikning bu boradagi rejası va Yagona axborot tizimiga joylashtiriladigan va foydalaniladigan ma'lumotlar jadvali ham o'z aksini topgan.

Ushbu buyruqlarning o'z vaqtida ijro etilishi mamlakatimizda tinchlik va osudalikni ta'minlashga, ta'lim jarayonida samaradorlikka erishib, navqiron va sog'lom avlodni voyaga yetkazishga xizmat qiladi.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 20 май

169-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАМДА ХИТОЙ ХАЛҚ  
РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК  
ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА”ГИ 2017 ЙИЛ 19 МАЙДАГИ ПҚ-2982-СОНЛИ ҚАРОРИ  
ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси ўртасида ҳар томонлама стратегик ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2982-сонли қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси ўртасида ҳар томонлама стратегик ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2982-сонли қарори (бундан буён матнда Қарор деб юритилади) ижро учун қабул қилинсин.

2. Инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро ҳамкорлик бўлими (Д.Ташпулатов)га:

Хитой Халқ Республикаси гранти ҳисобига амалга оширилаётган “Умумтаълим мактабларининг 5 – 9-синфларида “Информатика” ҳамда “Чет тили” фанларини ўқитиш сифатини ошириш” лойиҳасининг (бундан буён матнда лойиҳа деб юритилади) тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Хитой Халқ Республикаси томонидан танланган етказиб берувчилар билан ўқув ускуналарини етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш;

лойиҳанинг тармоқ жадвалида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш ҳамда амалга

оширилган ишлар юзасидан ҳар ойнинг 5-санасигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А. Хундибаев), Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров) лойиҳа доирасида етказиб бериладиган ўқув ускуналарининг шартнома шартларида белгиланган техник талабларга мувофиқлигини назорат қилиш чораларини кўрсин.

4. Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков) лойиҳа доирасида ўқув ускуналари етказиб бериладиган умумтаълим мактаблари манзилли рўйхатини тузсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 23 май

170-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИДАГИ МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИНИ  
ХУДУДЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “2017 йил Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2697-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги 234-сонли қарори билан тасдиқланган 2015-2018 йилларда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлашнинг асосий параметрлари ижросини амалга ошириш, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтида (кейинги ўринларда Марказий институт деб юритилади) олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари даврида ўқув жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

Марказий институтда 2017 йил июнь-декабрь ойларида ташкил этилиши режалаштирилган малака ошириш курслари тингловчиларнинг яшаш манзилларини инobatта олган ҳолда Марказий институт ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари (кейинги ўринларда ҳудудий малака ошириш институтлари деб юритилади) базасида иловадаги жадвалга мувофиқ ташкил этилсин.

2. Марказий институт (Н.Раҳманкулова)га:

уч кун муддатда мазкур буйруқнинг иловаси асосида 2017 йил июнь-декабрь ойлари учун малака оширишнинг ойлар ва туман (шаҳар)лар кесимидаги режасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда жойларга етказиш;

малака ошириш курслари ўқув жараёнини юқори савияда, қатъий машғулотлар жадвали асосида ташкиллаштириш, машғулотларга малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш ва бошқа зарурий чораларни кўриш;

Марказий институт профессор-ўқитувчиларининг ҳудудларда ташкил этиладиган малака ошириш курслари машғулотларига ўз вақтида етиб боришларини ҳамда хизмат сафари билан боглиқ сарф-харажатларнинг Марказий институт томонидан қопланишини таъминлаш;

Марказий институтда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари даврида коммунал тўловлари учун ажратилган маблағларни самарали ишлатилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

### 3. Худудий малака ошириш институтлари ректорларига:

Марказий институт томонидан ҳудудларда малака ошириш курсларининг ўқув жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида тегишли шарт-шароитларни яратиш, ўқув аудиториялари ва зарур техник воситалар билан таъминлаш;

жорий йилнинг 1 июнь кунига қадар малака ошириш курсларининг кўчма машғулотларини олиб бориш учун ҳудуддаги намунали умумий ўрта таълим мактабларини белгилаш ва уларнинг рўйхатини Марказий институтга тақдим этиш;

Марказий институт профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун эҳтиёжга кўра тингловчилар турар жойидан ётоқ-жой ажратиш вазифалари топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига 2017 йил июнь-декабрь ойлари учун малака оширишнинг ойлар ва туман (шаҳар) лар кесимидаги режаси асосида таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларини малака ошириш курсларига белгиланган муддатларда етиб боришларини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси (Н.Мавлянова) ва “Баркамол авлод” Республика болалар экология ва ўлкашунослик маркази (Л.Эшмурзаева)га Марказий институт базасида ташкил этиладиган малака ошириш курслари тингловчиларини ётоқ-жой билан таъминлаш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**



Халқ таълими вазирлигининг  
2017-йил 23-майдаги  
170-сонли буйруғига илос

**А.Авлоний номидаги ХТХҚТМО марказий институтида 2017 йил (июнь-декабрь) да ташкил этиладиган малака ошириш курсларининг ойлар ва ҳудудлар бўйича РЕЖАСИ**

| Т/р             | Малака ошириш ташкил этилган ҳудудлар | Жами гуруҳ сони | Жами тингловчилар сони | Умумий ўрта таълим мактаб директорлари (МТ23) | Махсус таълим муассасалари педагог ходимлари |            | Масофадан малака ошириш курслари (МТ16, МТ18) |            | Бошқа малака тоифалари |
|-----------------|---------------------------------------|-----------------|------------------------|---|--|------------|---|------------|------------------------|
|                 |                                       |                 |                        |   | тинг. сони                                   | тинг. сони | тинг. сони                                    | тинг. сони |                        |
| <b>ИЮНЬ</b>     |                                       |                 |                        |   |  |            |   |            |                        |
| 1               | Анджон                                | 5               | 125                    | 125   |  |            |   |            |                        |
| 2               | Наманган                              | 5               | 125                    | 125   |  |            |   |            |                        |
| 3               | Марказий институт                     | 9               | 225                    | 50  | 100  |            |   |            | 75                     |
|                 | <b>Жами</b>                           | <b>19</b>       | <b>475</b>             | <b>300</b>                                    | <b>100</b>                                   |            |   |            | <b>75</b>              |
| <b>СЕНТЯБРЬ</b> |                                       |                 |                        |   |  |            |   |            |                        |
| 1               | Фарғона                               | 7               | 175                    | 100   | 75   |            |   |            |                        |
| 2               | Марказий институт                     | 7               | 175                    | 75  |  |            | 25  |            | 75                     |
|                 | <b>Жами</b>                           | <b>14</b>       | <b>350</b>             | <b>175</b>                                    | <b>75</b>                                    |            | <b>25</b>                                     |            | <b>75</b>              |
| <b>ОКтябрь</b>  |                                       |                 |                        |   |  |            |   |            |                        |
| 1               | Хоразм                                | 6               | 150                    | 100   | 50   |            |   |            |                        |
| 2               | Қорақалпоғистон Республикаси          | 5               | 125                    | 125   |  |            |   |            |                        |

|                |                           |           |             |             |            |            |            |
|----------------|---------------------------|-----------|-------------|-------------|------------|------------|------------|
| <b>3</b>       | Марказий институт<br>Жами | 7<br>18   | 175<br>450  | 50<br>275   | 25<br>75   | 25<br>75   | 75<br>75   |
| <b>НОЯБРЬ</b>  |                           |           |             |             |            |            |            |
| <b>1</b>       | Бухоро                    | 4         | 100         | 100         |            |            |            |
| <b>2</b>       | Самарқанд                 | 11        | 275         | 175         | 100        |            |            |
| <b>3</b>       | Навойй                    | 2         | 50          | 50          |            |            |            |
| <b>4</b>       | Марказий институт<br>Жами | 3<br>20   | 75<br>500   | 50<br>375   |            | 100        | 25<br>25   |
| <b>ДЕКАБРЬ</b> |                           |           |             |             |            |            |            |
| <b>1</b>       | Қашқадарё                 | 7         | 175         | 125         | 50         |            |            |
| <b>2</b>       | Сурхондарё                | 5         | 125         | 125         |            |            |            |
| <b>3</b>       | Марказий институт<br>Жами | 5<br>17   | 125<br>425  | 50<br>300   | 50<br>100  |            | 25<br>25   |
| <b>Ҳаммаси</b> |                           | <b>88</b> | <b>2200</b> | <b>1425</b> | <b>450</b> | <b>450</b> | <b>275</b> |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 24 май

173-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан ўтказилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари (бундан буён матнда баҳолаш мезонлари деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Ҳ.Даминов)га:

баҳолаш мезонларини амалиётга жорий этиш бўйича ҳудудларга услубий ёрдам кўрсатиш;

баҳолаш мезонлари натижаларини ҳудудлар кесимида таҳлил қилиб бориш ва кенгайтирилган йиғилиш муҳокамасига киритиш вазифалари топширилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги умумтаълим муассасалари раҳбарларига:

бир ҳафта муддатда баҳолаш мезонларини тизимдаги барча умумтаълим муассасаларига етказиш;

туман (шаҳар)ларда ўқувчилар ўртасида амалга оширилган профилактик тадбирлар самарадорлигини ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар баҳолаб борилишини ташкил этиш;

баҳолаш натижаларини ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 20-санасига қадар вазирликка тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир****У. Иноятов**

Халқ таълими вазирлигининг  
2017 йил 24 майдаги  
173-сонли буйруғига илова

**Халқ таълими тизимида хуқуқбузарликлар  
профилактикасининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари\***

| №  | Хуқуқбузарлик турлари  | Юқори балл | Баҳолаш мезонлари<br>(кўрсаткичлар ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан таққосланади)  | Тўпланган балл |
|----|--|------------|--|----------------|
| 1. | Ўқувчилар ўртасида содир этилган жиноятлар сони (ижтимоий хавфлилик кўламиндан қатъий назар ўқувчилар томонидан содир этилган ҳар қандай жиноят ҳисобга олинади) | 20 балл    | Ошган - 0 балл<br>Ўзгармаган - 5 балл<br>Қамайган - 10 балл<br>Умуман содир этилмаган - 20 балл<br>Бир ўқувчи томонидан қайта содир этилса жарима (-10 балл) |                |
| 2. | Хуқуқбузарликлар содир этганлиги учун ички ишлар идораларининг профилактик назоратига олинган ўқувчилар сони   | 20 балл    | Ошган - 0 балл<br>Ўзгармаган - 5 балл<br>Қамайган - 10 балл<br>Умуман олинмаган - 20 балл  |                |
| 3. | Ўқувчилар ўртасида содир этилган эрта туғруқ ҳолатлари сони (ҳомилдорлик қайд этилган ва фарзандлик бўлган ўқувчилар назарда тутилган)                           | 20 балл    | Ошган - 0 балл<br>Ўзгармаган - 5 балл<br>Қамайган - 10 балл<br>Бундай ҳолат қайд этилмаган - 20 балл   |                |

|             |   |                 |  |  |
|-------------|---|-----------------|--|--|
| 4.          | Вояга етмаганлар ўртасида ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари сони (Вафот этган ёки тирик қолганлигидан қатъий назар ўз жонига қасд ва суиқасд қилган ўқувчилар сони назарда тутилган)  | 20 балл         | Ошган - 0 балл<br>Ўзгармаган - 5 балл<br>Қамайган - 10 балл<br>Умуман содир этилмаган - 20 балл  |  |
| 5.          | Назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлашга қаратилган турли рейдлар давомида аниқланган ўқувчилар сони (Рейдларда аниқланган ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига келтирилган ўқувчилар инобатга олинади) | 10 балл         | Ошган - 0 балл<br>Ўзгармаган - 2 балл<br>Қамайган - 5 балл<br>Умуман аниқланмаган - 10 балл<br>Бир ўқувчи икки ёки undan ortiq аниқланган бўлса жарима (-3 балл) |  |
| 6.          | Таълим муассасаларидаги машгулотларга узрли сабабларсиз мунтазам келмаётган ўқувчилар сони (Дарс машгулотларига сабабсиз равишда 3 ва undan ortiq кун давомида келмаётган ўқувчилар ҳисобга олинади)  | 10 балл         | Ошган - 0 балл<br>Ўзгармаган - 2 балл<br>Қамайган - 5 балл<br>Бундай ўқувчилар бўлмаса - 10 балл   |  |
| <b>ЖАМИ</b> |   | <b>100 балл</b> | <b>Умумий тўпланган балл</b>   |  |

\* Тушунтириш хати илова қилинади.

## Халқ таълими тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси- нинг самарадорлигини баҳолаш мезонларига ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 март-даги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида халқ таълими тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Ушбу баҳолаш мезонлари асосида туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш (ХТМФМТТЭ) бўлимлари томонидан умумтаълим мактабларида олиб борилаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлиги мактаблар кесимида йилнинг **ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 5-санасига** қадар баҳолаб борилади. Бунда ҳуқуқбузарлик турлари бўйича мактаб кўрсаткичлари ва ички ишлар органлари ҳамда бошқа тегишли ташкилотлардан олинган маълумотлар асос қилиб олинади.

Баҳолаш натижалари мактаб раҳбарлари иштирокидаги йиғилишларда муҳокама қилинади, паст кўрсаткичли таълим муассасаларидаги аҳволни яхшилаш бўйича уларга услубий ёрдам кўрсатиш, “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги жамоат кенгашларининг фаолиятини жонлантириш ва бошқа тегишли чоралар кўриш ишлари олиб борилади.

Умумтаълим мактабларининг баҳолаш натижалари туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимлари томонидан қуйида келтирилган **1-ҳисобот шаклига** мувофиқ **ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 10-санасига** қадар Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига **электрон шаклда** тақдим этиб борилади.

Ҳудудий халқ таълими бошқармалари томонидан туман (шаҳар) ларда мактаб ўқувчилари ўртасида амалга оширилган профилактик тадбирларнинг самарадорлиги туман (шаҳар)лар кесимида **ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 15-санасига** қадар баҳоланади. Бунда ҳуқуқбузарликлар турлари бўйича туман (шаҳар) кўрсаткичлари асос қилиб олинади.

Баҳолаш натижалари туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимлари мудирлари иштирокидаги йиғилишларда муҳокама қилинади ва ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадор-

лигини ошириш чоралари кўриб борилади.

Туман (шаҳар)лар кесимидаги баҳолаш натижалари қуйида келтирилган **2-ҳисобот шаклига** мувофиқ ҳудудий халқ таълими бошқармалари томонидан **ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 20-санасига қадар электрон шаклда** Халқ таълими вазирлигига тақдим этилади.

Халқ таълими вазирлиги томонидан тизимда олиб борилаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлиги ҳар чорак якунлари бўйича ҳудудлар кесимида таҳлил қилиб борилади.

Баҳолаш мезонлари асосида таълим муассасалари, туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти самарадорлиги қуйидагича баҳоланади:

24 баллгача - қониқарсиз;

25 балдан 50 баллгача - қониқарли;

51 балдан 84 баллгача - яхши;

85 балдан 100 баллгача - аъло.

**Изоҳ:** Баҳолаш мезонлари асосида “аъло” даражада баҳоланган таълим муассасаларининг фаолияти оммалаштиришга тавсия этилиши мумкин.



**1-ҳисобот шакли:**

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)  
умумтаълим мактабларида олиб борилган ҳуқуқбузарликлар  
профилактикасининг самарадорлигини баҳолаш натижалари  
тўғрисида ҳисобот

20\_\_ йил \_\_\_\_\_ чорак якуни бўйича

| Т/р | Мақтаб рақами | Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича тўпланган баллар    |  |  |   |   |   | Жами тўпланган баллар |
|-----|---------------|--|--|--|---|---|---|-----------------------|
|     |               | Ўқувчилар ўртасида содир этилган жиноятлар сонига нисбатан | Ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун ички ишлар идораларининг профилактика-тиж назоратига олинган ўқувчилар сонига нисбатан | Ўқувчилар ўртасида содир этилган эрта туғруқ ҳолатлари сонига нисбатан | Вояга етмаганлар ўртасида ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари сонига нисбатан | Назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлашга қаратилган турли рейдлар давомида аниқланган ўқувчилар сонига нисбатан | Таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз мунтазам келмаётган ўқувчилар сонига нисбатан |                       |
| 1.  |               |  |  |  |   |   |   |                       |
| 2.  |               |  |  |  |   |   |   |                       |
| 3.  |               |  |  |  |   |   |   |                       |

Ижрочи: Ф.И.Ш.

Тел:

**2-хисобот шакли:**

\_\_\_\_\_ вилоятида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида олиб борилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини баҳолаш натижалари тўғрисида ҳисобот

20 \_\_ йил \_\_\_\_\_ чорак якуни бўйича

| Т/р | Мақтаб рақами | Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича тўпланган баллар    |   |  |   |   |  | Жами тўпланган баллар |
|-----|---------------|--|---|--|---|---|--|-----------------------|
|     |               | Ўқувчилар ўртасида содир этилган жиноятлар сонига нисбатан | Ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун ички ишлар идораларининг профилактик назоратига олинган ўқувчилар сонига нисбатан | Ўқувчилар ўртасида содир этилган эрта туғруқ ҳолатлари сонига нисбатан | Вояга етмаганлар ўртасида ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари сонига нисбатан | Назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлашга қаратилган турли рейдлар давомида аниқланган ўқувчилар сонига нисбатан | Таълим муассасаларидаги машғулотларга узорли сабабларсиз мунтазам келмаётган ўқувчилар сонига нисбатан |                       |
| 1.  |               |  |   |  |   |   |  |                       |
| 2.  |               |  |   |  |   |   |  |                       |
| 3.  |               |  |   |  |   |   |  |                       |

Ижрочи: Ф.И.Ш.

Тел:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 25 май

177-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ ВА ВИЛОЯТЛАР  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН  
АПЕЛЛЯЦИЯ КОМИССИЯЛАРИ ТАРКИБИ ҲАМДА УЛАРНИНГ  
ИШ ТАРТИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 апрелдаги 107-сон “Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

**1. Қуйидагилар:**

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларида ташкил этиладиган апелляция комиссиялари таркиби 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларида ташкил этиладиган апелляция комиссиялари иш тартиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари - апелляция комиссиялари фаолиятини ташкил этишда амалий ёрдам бериш чораларини кўрсин.

Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Халқ таътими вазирлигининг  
2017 йилдаги 25 майдаги 177-сонли буйруғига  
2-илова*

**Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,  
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар  
халқ таълими бошқармаларида ташкил этиладиган апелляция  
комиссиялари иш тартиби**

Апелляция комиссиялари иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган **“Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”** (Низом)да белгиланган тартибда ташкил этади.

**Аттестация комиссияси қароридан норози бўлган педагог кадрнинг ариза (шикоят)лари “Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари”** (баҳолаш мезонлари) асосида кўриб чиқилади ва таҳлил этилади (*Адлия вазирлигида 2016 йил 21 декабрда 2849-рақам билан рўйхатдан ўтказилган*).

Апелляция комиссияси фаолияти бошқарма, туман (шаҳар) ва муассасалар аттестация комиссиялари иш фаолияти тўлиқ якунлангандан кейин бошланади.

Апелляция комиссияси томонидан тайинланган шахс ариза (шикоят)ларни ўрнатилган тартибда қабул қилиб, рўйхатдан ўтказилади.

Ариза (шикоят) рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади.

Апелляция комиссияси аттестация жараёнининг барча баҳолаш мезонлари (дарс ўтиш маҳорати, меҳнати самарадорлиги, малака синовлари (тест, ёзма, ижодий иш) ва суҳбат)ни қайта кўриб чиқишга ҳақли. Бунда Низомнинг 34-банд, 3-хатбошидаги суҳбат жараёнининг видеотасвирга олинганлиги, берилган саволлар ва жавобларнинг махсус (саҳифаланган, тикилган ва муҳрланган) дафтарда қайд этилганлиги ҳам ўрганилади.

Апелляция жараёнида асосан, педагог кадр дарс ўтиш маҳорати, меҳнати самарадорлигини баҳолаш мезонлари бўйича берилган балларнинг асосланганлиги таҳлил этилади. Бунда Низомнинг 31-бандининг таъминланганлиги ҳамда баҳолаш мезонлари бўйича

эксперт гуруҳининг йиғмажилдни асосли тайёрлаганига эътибор қаратади.

Асословчи ҳужжатлар етарли бўлмаса ёки камчиликлар мавжуд бўлса, апелляция комиссияси аттестация натижаларини жойларга чиққан ҳолда кўриб чиқиши мумкин.

Ариза (шикоят) эксперт гуруҳи ва аттестация комиссиясининг фаолиятини тўлиқ ўрганиш билан яқунланади. Бунда дарс ўтиш маҳорати кўрсаткичлари, шунингдек меҳнати самарадорлигининг республика ва халқаро, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят (Тошкент шаҳар) **миқёсидаги ютуқлари тасдиқловчи ҳужжатлар асосида кўриб чиқилади.**

Апелляция комиссияси аризаларни ўрганиш жараёнида муаммоли ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида жамоатчилик асосида малакали мутахассисларни жалб этиши, аттестация комиссияси аъзолари ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқаруви органларидан аттестация жараёни билан боғлиқ ҳужжатларни ўрганиш учун сўраб олиши мумкин.

Апелляция комиссияси фақат алоҳида олинган битта баҳолаш мезон кўрсаткичлари бўйича хулоса чиқармайди. Бунда Низомнинг 43-банди ҳисобга олинади ва мезон кўрсаткичлари алоҳида алоҳида таҳлил этилади.

Агар, апелляция комиссияси баҳолаш мезонларининг дарс ўтиш маҳорати, меҳнати самарадорлиги ва суҳбат жараёнини (асословчи тасдиқланган ҳужжатлар билан) ижобий баҳоласа ва фақат битта тест синовига боғлиқ мезон ўрганилмасдан қолса, у ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига расмий мурожаат этади (*олий ва биринчи малака тоифасига талабегорга тегишли*).

Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга бўлади.

Мурожаат этувчи апелляция комиссияси томонидан аризаси (шикояти) кўриб чиқилиши жараёнида иштирок этиши мумкин.

Апелляция комиссияси аттестация комиссияси қарорини ўзгартиришсиз қолдириш ёки уни бекор қилиб, қайта аттестация ташкил этиш ҳақида қарор чиқаради.

Апелляция комиссияси қарори нусхаси мурожаат этувчи педагог кадрга ва тегишли аттестация комиссиясига апелляция комиссияси қарори чиққан кундан эътиборан беш кун муддатда тақдим этади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 29 май

183-сонли

**Б У Й Р У Қ И****“ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЧЕТ ТИЛИ ҲҚИТУВЧИСИ”  
КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги “Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 67-сонли қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари чет тили ўқитувчилари орасидан юксак касб маҳоратига эга илғор, ташаббускор ва ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш, касбий маҳоратининг рўёбга чиқишига кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, аниқланган илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси кўрик-танловини (кейинги ўринларда кўрик-танлов деб юритилади) ўтказиш тўғрисида Низом 1-иловага, кўрик-танловни ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитаси таркиби (бундан буён матнда республика ташкилий кўмитаси деб юритилади). 2-иловага, сарф-харажатлар сметаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ташкилий кўмитаси (Д. Кенжаев)га:

кўрик-танловни Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва ҳамкор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда юқори савияда ўтказиш чораларини кўриш;

ҳакамлар ҳайъатини юқори малакали, тажрибали мутахассислар таркибидан шакллантириш, кўрик-танловни адолатли ўтишини назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таъ-

лими бошқармалари бошлиқларига:

кўрик-танловнинг вилоят босқичи учун ҳакамлар ҳайъати, эксперт ва апелляция комиссияси таркибини ҳамда ўтказиш жойи ва муддатларини тасдиқлаш;

кўрик-танлов иштирокчиларини белгиланган муддатларда кўрик-танлов ўтказиладиган таълим муассасасига хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда ўз вақтида етиб келиши ва кетишини таъминлаш;

кўрик танловнинг республика босқичида иштирок этадиган фан ўқитувчилари учун хизмат сафари билан боғлиқ сарф-харажатларни ўрнатилган тартибда қоплаш вазифалари юклатилсин.

4. Республика таълим маркази (И.Зокиров) Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (И.Исмамов) билан ҳамкорликда кўрик-танлов ўтказиладиган таълим муассасаларини белгиласин ҳамда иштирокчилар учун тегишли шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин.

5. “Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази (Л.Эшмурзаева) кўрик-танловнинг республика босқичи иштирокчиларини ва ҳакамлар ҳайъати аъзоларини ётоқ-жой билан таъминласин.

6. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Р.Зулфиқоров) мазкур буйруқнинг 3-илоvasи билан тасдиқланган сарф-харажатлар сметаси асосида тегишли маблағларни ўрнатилган тартибда Республика таълим марказининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб берилишини таъминласин.

7. Республика таълим маркази (И.Зокиров)га кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни белгиланган тартибда амалга ошириш ҳамда кўрик-танлов ўтказилганидан кейин 10 кун муддатда вазирликнинг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига ҳисобот топшириш вазифаси топширилсин.

8. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” (А.Раҳимов)га кўрик-танловга оид маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш тавсия этилсин.

9. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М. Юлдашев) кўрик-танлов якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик раҳбариятига маълумот киритсин.

10. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирининг  
2017 йил 29 майдаги 183-сонли буйруғига  
1 -илова

**“Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси” кўрик-танловини  
ўтказиш тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги “Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 67-сон қарори ижросини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси кўрик-танловини (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоида**

1. Ушбу кўрик-танлов уч босқичда ўтказилиб, тизимда фаолият кўрсатаётган барча чет тили ўқитувчиларига янги жорий этилган механизм асосида методик кунларда (хафтанинг ҳар жума кuni) олиб борилаётган курслар ва оммавий ахборот воситалари орқали етказилиб, барча чет тили ўқитувчиларининг кўрик-танловда ихтиёрийлик асосида иштирокини таъминлаш орқали, чет тили ўқитувчилари орасида соғлом рақобат муҳитини яратишга ҳамда улар орасидан маҳоратлиларини аниқлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилади.

**2-боб. Кўрик-танловнинг  
асосий мақсад ва вазифалари**

2. Қуйидагилар кўрик-танловнинг асосий мақсадлари ҳисобланади: иштирокчиларнинг Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарорида белгиланган вазифалар юзасидан давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш,



ижтимоий-иқтисодий модернизация жараёни тўғрисидаги билимларини ошириш;

Давлат таълим стандартида чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичларида ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни бажарилишига босқичма-босқич эришиш;

ўқувчи ва ўқитувчиларда чет тили коммуникатив компетенцияси, яъни ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва макаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятини ривожлантириш;

ўқувчи ва ўқитувчиларда лингвистик, социолингвистик, прагматик компетенцияларни шакллантириш ва уларни амалиётда ўз ўрнида қўллаш олишга йўналтириш орқали чет тилининг ўқитилиши сифатини яхшилашга эришиш;

чет тили ўқитувчилари ва улар орқали ўқувчиларда тил ўргатиш ва ўрганишдаги лингвистик компетенция турлари: тинглаб тушуниш (listening), гапириш (speaking), ўқиш (reading), ёзиш (writing) ҳамда дарс бериш маҳорати (teaching) каби кўникмаларни ошириб боришга қўмаклашиш.

### 3. Кўрик-танловнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тили фанидан дарс бераётган ўқитувчилар орасидан илғор, ташаббускор ва ижодкор, юксак касб маҳоратига эга бўлган, ўз фанининг ҳақиқий усталарини саралаб олиш;

чет тили ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини, касбий маҳоратини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

таълим-тарбия жараёнида самара берадиган муқобил методлар ҳамда илғор педагогик технологияларни аниқлаш;

аниқланган илғор тажрибаларни оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш, уларнинг ўз методик мактабини яратишга йўналтириш;

ўқитувчи-устознинг юксак маънавияти, маънавий-ахлоқий фазилятлари ҳамда унинг ташаббускор ва ижодкорлигини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш.

### 3-боб. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби

#### 4.Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади.

#### 1-§. Кўрик-танловнинг биринчи босқичи

Кўрик-танловнинг биринчи босқичида чет тили ўқитувчилари томонидан жорий йилнинг 5 июнидан 15 июнь санасига қадар ихтиёрий равишда bestteacher@xtv.uz электрон манзилларига ариза

(иловадаги намунавий шакл асосида ва чет тилида ***“What are the essential ingredients for effective teaching and effective learning?”*** (***“Самарали ўқиш ва ўқитишнинг муҳим таркибий қисмлари нималар?”***) (кейинги кўрик-танловларда мавзу ўзгариши назарда тутилади) мавзусида 200-250 та сўздан иборат “Эссе” (Essay) жўнатилади.

5. “Эссе” материаллари электрон шаклда Times New Roman 14 шрифт, А4 форматда, юқори ва паст қисмлари 2,5 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1 см жой қолдирилган ҳолда сатрлар оралиғи 1,5 интервалда юборилиши лозим. Муаллифнинг исми, фамилияси, иш жойи ва лавозими, телефон рақамлари, унвонлари (бўлса) матн остида тўлиқ кўрсатилади.

6. Тақдим этилган “Эссе”лар **июнь ойининг учинчи ўн кунлигида** Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассислари томонидан текширилади. Ушбу шартга кўра чет тили ўқитувчиларининг ёзув (**writing**) кўникмаси аниқланади. Иштирокчилар орасидан 75% ва ундан юқори натижа кўрсатган талабгорларнинг рўйхати шакллаштирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармаларига жўнатилади.

7. “Эссе”(Essay) қуйидаги йўналишларда 20 баллик тизимда баҳоланади.

- Вазифа мақсади (hivement). Максимал 5 балл;

- Мустақамлаш coherence (фикрлар орасидаги мантиқий боғлиқлик logical link between ideas) ва Алоқа/Cohesion (хатбоши ва гаплар ўртасидаги боғлиқлик/link between sentence and paragraphs). Максимал 5 балл;

- Лексик бирликларнинг тўғри ишлатилиши (Lexicals Resource). Максимал 5 балл;

- Грамматик йўналиш ва унинг тўғри қўлланилиши (Grammatical Range and Assigasy). Максимал 5 балл.

Ушбу шарт бўйича баҳолаш мезонининг тўлиқ матни илова қилинади.

8. Кўрик-танловнинг биринчи bosқичи учун иштирокчилар мурожатларини ташкил этиш масъулияти халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари зиммасига, тақдим этилган “Эссе”(Essay)ни адолатли баҳолашни ташкил этиш Республика ташкилий кўмитаси зиммасига юклатилади.

## 2-§. Кўрик-танловнинг иккинчи босқичи

9. Кўрик-танловнинг иккинчи босқичи 2 турда 50 баллик тизим-да (*дарс ишланмаси -Lesson planning ва видеодарс-videolesson*) Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан ўтказилади.

10. Биринчи босқич натижаларига кўра иккинчи босқичга ўтган иштирокчилар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармаларига 15-20 дақиқалик видеодарслари туширилган диск (*videolesson*) ва ушбу дарснинг ишланмасини (*lesson planning*) жорий йилнинг **1 июль санасига қадар** тақдим этилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари қошида Британия кенгаши вакиллари, ҳудуддаги олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тренер-ўқитувчилар ва чет тили методистларидан ташкил этилган ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан **июль санасига қадар** дарс ишланмаси (*Lesson planning*) ва видеодарслар (*Videolesson*) баҳоланади. Ушбу босқичда чет тили ўқитувчиларининг дарс бера олиш маҳорати (методикаси) аниқланади.

### 1-тур. Дарс ишланмалари (*Lesson planning*).

12. Иштирокчи дарс ишланмасини давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари асосида чет тилларни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, дарс машғулоти босқичларининг барчасини инобатга олган ҳолда ёритиб бериши керак.

13. Бир соатлик дарс ишланмаси қуйидаги мезонлар асосида жами 25 балл билан баҳоланади:

дарс мавзуси асосида дарс услубининг тўғри танланганлиги ва дарс босқичларининг (*pre-,while-, post*) тўғри белгиланганлиги, босқичларнинг бир-бири билан узвийлиги ва тўлдириши 5 балл;

дарс мавзуси асосида мақсаднинг тўғри қўйилганлиги ва ўқувчиларнинг бир соат давомида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларининг белгиланганлиги 3 балл;

дарс жараёнида фойдаланиладиган кўрғазмаларнинг воситаларнинг тўғри танланганлиги ва дарс мазмунида ифодаланганлиги 2 балл;

ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш жараёни учун танланган усулларда барча ўқувчилар иштирокининг таъминланиши кўзда тутилганлиги 2 балл;

ўқувчилардан олдинги дарсдаги мавзуларни табақалаштирган ҳолда сўралишининг режалаштирилганлиги 2 балл; вақтнинг тўғри тақсимланганлиги 1 балл;

янги мавзуну баён қилишнинг дарс ишланмасида тўлиқ ёритилганлиги ва асосий мазмун очиқ берилганлиги 3 балл;

ўқувчиларнинг баҳосини ҳамда уйга бериладиган вазифани тўғри таҳлил қилиб бериш усуллари аниқ белгиланганлиги 1 балл;

дарсга тайёргарлик жараёнида замонавий ахборот ресурсларидан самарали фойдаланганлиги, мавзуга мос равишда маълумотлар олинганлиги 4 балл;

дарс ишланмаси Microsoft Word дастурида тайёрланганлиги 2 балл.

## 2-тур. Видеодарс (Videolesson).

14. Иштирокчи 15-20 дақиқалик дарс ўтиш технологияси акс этирилган видеодарсда ўқувчилар билан бирга ўзи ишлаётган мактабдаги бир соатлик дарснинг ихчам кўринишини намойиш этади. Ушбу видеодарс тақдим этилаётган дарс ишланмасига (Lesson planning) мос бўлиши керак ва у қуйидаги мезонлар асосида жами 25 балл билан баҳоланади:

видеодарс жараёнида ўқитувчининг синфни бошқара олиши (classroom management) 5 балл;

видеодарсда ўқувчиларни дарс жараёнига тўлиқ жалб эта олиши 5 балл; ўқитувчининг дарс жараёнида инглиз тилида ўзига ишонган ҳолда эркин гапира олиши 5 балл;

видеодарснинг дарс ишланмасига мослиги 5 балл; видеодарснинг техник сифати 5 балл.

15. Иккинчи босқичда 40 ва ундан юқори балл тўплаган иштирокчилар орасидан ҳар бир вилоятдан 1-5-ўринларни эгаллаганлар учинчи босқичга тавсия этилади.

16. Ушбу ғолиб иштирокчилар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг “Совринли ўрин дипломи”, қолган иштирокчилар “2-босқич фаол иштирокчиси дипломи” ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланадилар.

17. Мазкур босқичда иштирокчилар томонидан тақдим этилган дарс ишланмаси ва видеодарсларни баҳолаш йўли билан ғолиблар рўйхати шакллантирилади.

18. Иккинчи босқич натижалари бўйича барча материаллар қоғоз ва электрон шаклда (дарс ишланмаси ва видеодарслар билан

бирга) Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан жорий йилнинг **15 июль** санасига қадар Республика ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

19. Биринчи босқич натижаларига кўра бевосита Халқ таълими вазирлигига бўйсунувчи таълим муассасаларидан иштирокчилар аниқланган тақдирда, уларнинг дарс ишланмаси ва видеодарслари Республика комиссияси томонидан баҳоланади ҳамда натижаларига кўра кейинги босқичга тавсия этилади.

20. Кўрик-танловнинг 2-босқичини ўтказиш масъулияти Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари зиммасига юклатилади.

ташкилий қўмита йиғилиши баёни билан кўрик-танловнинг республика босқичи учун ҳакамлар ҳайъати, эксперт ва апелляция комиссияси таркибини, ўтказиш жойи ва муддати жадвалини тасдиқлаш;

21. Кўрик-танловни ўтказиш вақти, жойи, ташкилий қўмита таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари буйруғига, ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси таркиби ташкилий қўмитанинг қарорига асосан белгиланади.

22. Кўрик-танлов иштирокчилари томонидан билдирилган оғзаки ёки ёзма ариза ва шикоятлар бир кун муддатда апелляция берувчи ўқитувчи иштирокида комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилади ҳамда хулосалар расмийлаштирилади.

#### **4-боб. Кўрик-танловнинг учинчи босқичи**

23. Кўрик-танловнинг учинчи (Республика) босқичи **4-20 сентябрь** кунлари оралиғида ўтказилади. Аниқ муддат Республика ташкилий қўмитаси томонидан эълон қилинади.

24. Ушбу босқичда барча иштирокчилар Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ўтказиладиган APTIS тест синовларида иштирок этади. Ушбу тест синовлари орқали умумевропа компетенциялари CEFR талаблари доирасида чет тили ўқитувчиларининг ўқиш (R-reading)-50 балл, тинглаб тушуниш (L-listening)-50 балл, гапириш (S-speaking)-50 балл ҳамда грамматик ва лексик (GV-grammar and vocabular)-50 балл билан баҳоланади. Жами 200 балл.

“APTIS” тест-синовларига тайёргарлик кўриш учун интернет орқали <http://www.britishcouncil.org/aptis/preparation-material> расмий сайтга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

25. Тест-синовларида 4 та кўникма бўйича юқори натижа кўрсатган иштирокчилар натижалари 1- ва 2-босқичдаги натижалар билан бирга умумлаштирилади ва улар орасидан ғолиблар танланади. Ғолиблик имтиёзига эга бўла олмаган чет тили ўқитувчилари ҳам кўрик-танловнинг “Республика босқичининг фаол иштирокчиси дипломи” билан тақдирланади.

26. Кўрик-танловнинг учинчи босқичи Халқ таълими вазирлиги томонидан Британия кенгашининг Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилади.

27. Кўрик-танловнинг учинчи босқичида кўрик-танлов ғолиблари аниқланади.

28. Кўрик-танловнинг республика босқичи учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан қуйидаги ҳужжатлар қоғоз ва электрон вариантда тақдим этилиши лозим:

худудий ташкилий кўмитанинг йиғилиш баённомасидан кўчирма;  
иштирокчи ҳақида маълумот (объективка);  
иштирокчининг паспорт нусхаси;  
худудда баҳоланган дарс ишланмаси ва видеодарси.

29. Белгиланган муддатдан кечикиб топширилган, белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолда баҳоланган ва тақдим этилган материаллар кўриб чиқилмайди ва иштирокчи Республика босқичига қўйилмайди.

30. Республика босқичига тақдим этилган материаллар қайтарилмайди.

31. Кўрик-танловнинг барча босқичларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда худудий бўлимларнинг буйруқлари билан расмийлаштирилади.

32. Ташкилий кўмита кўрик-танловга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда ягона илмий-услубий ёндашувни таъминлайди, ҳакамлар ҳайъати, апелляция комиссияси таркибини шакллантиради ва тасдиқлайди.

33. Кўрик-танловнинг барча босқичларида ташкилий кўмита, ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси аъзоларининг бирортаси иштирокчиларга қариндош ёки иш жойи бир хил бўлган тақдирда ушбу шахслар ташкилий кўмита қарорига мувофиқ ташкилий кўмита, ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси таркибидан чиқарилади.

34. Кўрик-танловни ўтказиш жараёнида ўрнатилган тартиб қоидаларига риоя қилмаган ўқитувчилар ҳакамлар ҳайъати қарори билан танловдан четлаштирилади. Бу ҳақда далолатнома тузилиб, ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

35. Кўрик-танловнинг Республика босқичида ғолиб бўлиб, хориж сафарида бўлиб қайтган иштирокчилар 5 йилдан сўнг қайта иштирок этиш имконига эга бўладилар.

### **5-боб. Ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси**

36. Кўрик-танловнинг босқичларини ўтказиш учун чет тили фанидан илғор ўқитувчилар, методистлар ва бошқа мутахассислардан иборат бўлган ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси тузилади ҳамда ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

37. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг амалий машғулотларини, саводхонлигини, тақдимотларини адолатли баҳолайди, баҳолаш мезони асосида эксперт гуруҳи хулосаларини ва ғолибларнинг якуний босқичда олган баҳоларини умумлаштирган ҳолда кўрик-танлов ғолибини аниқлаб беради.

38. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг хулосалари қарор билан расмийлаштирилади. Иштирокчиларнинг фаолиятини баҳолашда ҳар бир ҳакам алоҳида ўз балини қўяди ва баллар қўшилади, ўртача балл чиқарилиб, натижаси эълон қилади.

### **6-боб. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш**

39. Биринчи босқич натижаларига кўра юқори натижага эришган иштирокчилар кейинги босқичда иштирок этиш учун йўлланмани кўлга киритади.

40. Иккинчи (вилоят) босқичда 1-, 2-, 3-,4-,5-ўринларни эгаллаган ўқитувчилар ҳудудий бошқарув идоралари томонидан инглиз тилида китоблар тўплами ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланади ҳамда учинчи босқичда иштирок этиш имкониятини кўлга киритади.

41. Учинчи (республика) босқичда энг юқори натижага эришган нафар 1-ўрин, 1 нафар 2-ўрин ҳамда 1 нафар 3-ўрин аниқланади, Халқ таълими вазирлигининг “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” I, II, III даражали дипломлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан, 1-ўрин соҳиби “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони ва махсус кубок билан тақдирланади.

42. Республика босқичида энг юқори натижа кўрсатган чет тили ўқитувчилари (ташкилий қўмита томонидан белгиланган квота до-

ирасида) хорижий давлатларда малака ошириш учун йўлланмага эга бўлади.

43. Кўрик-танлов ғолибларини рағбатлантириш бюджет маблағлари, ҳомийлар тушумлари ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида ҳам амалга оширилиши мумкин.

44. Кўрик-танловнинг учинчи босқичида иштирок этган ўқитувчиларнинг иш тажрибалари республика ҳамда вилоят миқёсида омалаштирилади, дарс ишланмалари тўплам сифатида чоп этилади, ўқитувчилар иштирокида семинарлар ташкил этилади.

45. Кўрик-танлов ғолиблари халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин.

46. Кўрик-танлов шартлари, унинг ўтказилиш жараёни ва натижалари тўғрисидаги ахборотлар вазирликнинг [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) расмий сайтига жойлаштириб борилади.



*“Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси” кўрик-танловини  
ўтказиш тўғрисидаги низомга 1-илова*

To the Republic organizing committee of The best English teacher  
of the year”from

Candidate Application Form

I. General Information and signatures

First/Last Name \_\_\_\_\_

E-mail: \_\_\_\_\_

Home address:

**Region**

**City/village**

**Telephone**

School

Name/Number \_\_\_\_\_

SchoolAddress

Total Years of Teaching Experience \_\_\_\_\_

Principal: First/Last Name \_\_\_\_\_

PrincipaPs e-mail address \_\_\_\_\_

Phone

I hereby give my permission that any or all of the attached materials  
or photos that may be taken of me can be shared with persons interested  
in promoting, in a variety of media, the National Teacher of the Year  
Programs.

*“Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси”  
кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги низомга 2-илова*

| Task Achievement   | Coherence (logical link between ideas) and Cohesion(link between sentences and paragraphs)   | Lexical Resource   | Grammatical Range and Accuracy   |
|--|--|--|--|
| <p><input type="checkbox"/>sufficiently addresses all parts of the task</p> <p><input type="checkbox"/>presents a well-developed response to the question with relevant, extended and supported ideas</p>  | <p><input type="checkbox"/>sequences information and ideas logically</p> <p><input type="checkbox"/>manages all aspects of cohesion well</p> <p><input type="checkbox"/>uses paragraphing sufficiently and appropriately</p>   | <p><input type="checkbox"/>uses a wide range of vocabulary fluently and flexibly to convey precise meanings</p> <p><input type="checkbox"/>skilfully uses uncommon lexical items but there may be occasional inaccuracies in word choice and collocation</p> <p><input type="checkbox"/>produces rare errors in spelling and/or word formation</p> | <p>Uses a wide range of structures</p> <p>Γ the majority of sentences are error-free</p> <p><input type="checkbox"/>makes only very occasional errors or inappropriacies</p> |
| <p><input type="checkbox"/>addresses all parts of the task</p> <p><input type="checkbox"/>presents a clear position throughout the response</p> <p><input type="checkbox"/>presents, extends and supports main ideas, but there may be a tendency to overgeneralise and/or supporting ideas may lack focus</p>                     | <p><input type="checkbox"/>logically organises information and ideas; there is clear progression throughout</p> <p><input type="checkbox"/>uses a range of cohesive devices appropriately although there may be some under-/over-use</p> <p><input type="checkbox"/>presents a clear central topic within each paragraph</p> | <p><input type="checkbox"/>uses a sufficient range of vocabulary to allow some flexibility and precision</p> <p><input type="checkbox"/>uses less common vocabulary with some awareness of style and collocation</p> <p><input type="checkbox"/>may produce occasional errors in word choice, spelling and/or word formation</p>                   | <p>uses a variety of complex structures</p> <p>L produces frequent error-free sentences</p> <p>I: has good control of grammar and punctuation but may make a few errors</p>  |
| <p>Uaddresses all parts of the task although some parts may be more fully covered than others</p> <p><input type="checkbox"/>presents a relevant position although the conclusions may become unclear or repetitive</p> <p><input type="checkbox"/>presents relevant main ideas but some may be inadequately developed/unclear</p> | <p><input type="checkbox"/>arranges information and ideas coherently and there is a clear overall progression</p> <p>! uses cohesive devices effectively, but cohesion within and/or between sentences may be faulty or mechanical</p> <p><input type="checkbox"/>uses paragraphing, but not always logically</p>            | <p><input type="checkbox"/>uses an adequate range of vocabulary for the task</p> <p><input type="checkbox"/>attempts to use less common vocabulary but with some inaccuracy</p> <p><input type="checkbox"/>makes some errors in spelling and/or word formation, but they do not impede communication</p>   | <p>Uses a mix of simple and complex sentence forms</p> <p><input type="checkbox"/>makes some errors in grammar and punctuation but they rarely reduce communication</p>      |

|   |   |  |  |
|---|---|--|--|
| <p><input type="checkbox"/> addresses the task only partially; the format may be inappropriate in places</p> <p><input type="checkbox"/> expresses a position but the development is not always clear and there may be no conclusions drawn</p> <p><input type="checkbox"/> presents some main ideas but these are limited and not enough developed; there may be irrelevant detail</p> | <p>Upresents information with some organisation but there may be a lack of overall progression</p> <p><input type="checkbox"/> makes inadequate, inaccurate or over use of cohesive devices</p> <p><input type="checkbox"/> may be repetitive</p> <p>Umay not write in paragraphs, or paraphrasing may be inadequate</p>    | <p><input type="checkbox"/> uses a limited range of vocabulary</p> <p><input type="checkbox"/> may make noticeable errors in spelling and/or word formation that may cause some difficulty for the reader</p>  | <p>Uses only a limited range of structures</p> <p><input type="checkbox"/> attempts complex sentences but these tend to be less accurate than simple sentences</p> <p>Lmay make frequent grammatical errors and punctuation may be faulty; errors can cause some difficulty for the reader</p> |
| <p><input type="checkbox"/> responds to the task only in a minimal way or the answer is fairly relevant; the format may be inappropriate</p> <p><input type="checkbox"/> presents a position but this is unclear</p> <p><input type="checkbox"/> presents some main ideas but these are difficult to identify and may be repetitive, irrelevant or not well supported</p>               | <p><input type="checkbox"/> presents information and ideas but these are not arranged coherently and there is no clear progression in the response</p> <p><input type="checkbox"/> uses some basic cohesive devices but these may be inaccurate or repetitive may not write in paragraphs or their use may be confusing</p> | <p><input type="checkbox"/> uses only basic vocabulary which may be used repetitively or which may be inappropriate for the task</p> <p><input type="checkbox"/> has limited control of word formation and/or spelling; errors may cause strain for the reader</p> | <p><input type="checkbox"/> uses only a very limited range of structures with only rare use of subordinate clauses</p> <p><input type="checkbox"/> some structures are accurate but errors predominate, and punctuation is often faulty</p>  |

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TAЪЛИМИ  
VAZIRINING**

2017 йил 30 май

186-сонли

**Б У Й Р У Қ И****ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING 2017 ЙИЛ  
29 МАЙДАГИ ПФ-5059-СОН ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро ишини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5059-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон Фармони ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро ишини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5059-сон Фармони ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг чора-тадбирлар режаси (бундан буён матнда чора-тадбир деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев), Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров) “Тежамкорлик сабоқлари” ўқув-тарбиявий машғулотлар дастури доирасида умумий ўқув юкламасининг меъёрларига риоя қилган ҳолда, I-IX синфларда 17 соатдан фанлар бўйича узвийлаштирилган дарс мавзулари таркибида, шунингдек, тарбиявий соатларда, тўғарак ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларга электр энергияси ва табиий газдан оқилна фойдаланиш юзасидан билимларнинг синг-

дирилиши ва улардаги кўникмаларнинг мустақамланиб борилишини қатъий назоратга олсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини ўз муддатида сифатли таъминлаш;

“Тежамкорлик сабоқлари” ўқув-тарбиявий машғулотлар дастури доирасида умумий ўқув юкмасининг меъёрларига риоя қилган ҳолда, I-IX синфларда 17 соатдан фанлар бўйича узвийлаштирилган дарс мавзулари таркибида, шунингдек, тарбиявий соатларда, тўғарак ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларга электр энергияси ва табиий газдан оқилона фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларни сингдириб бориш мақсадида уларнинг самарали ташкил этилишини таъминлаш;

амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якунида вазирликнинг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармасига ёзма маълумот тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирлигининг  
2017 йил 30 майдаги 186-сонли буйруғига илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истемол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро ишини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5059-сон Фармони ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг чора-тадбирлар режаси**

| т/р | Амалга ошириладиган ишлар   | Бажариш мuddати   | Масъул  |
|-----|---|-------------------|---|
| 1.  | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истемол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро ишини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5059-сон Фармонининг мазмун-моҳиятини ўқувчилар, ота-оналар ўртасида кенг тартиб қилиш. | 2017 йил сентябрь | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари |
| 2.  | Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан “Тежамкорлик сабоқлари” ўқув курсларини мазмунли ташкил этиш бўйича яратилган мультимедиа иловаларидан кенг фойдаланиш ва ота-оналар ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш.  | Доимий            | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари |

|    |   |                           |  |
|----|---|---------------------------|--|
| 3. | <p>"Тежамкорлик сабоқлари" ўқув-тарбиявий машғулотлар дастури доирасида умумий ўқув юкларининг меъёрларига риоя қилган ҳолда, I-IX синфларда 17 соатдан фанлар бўйича узвийлаштирилган дарс мавзулари тарқиблана, шунингдек, тарбиявий соатларда, тўғрақ ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларга электр энергияси ва табиий газдан оқилона фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларни сингдириб бориш мақсадида уларнинг самарали ташкил этиш чораларини кўриш.</p> | Доимий                    | <p>Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари</p>                                 |
| 4. | <p>Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича тақдимот-спайдлар тайёрлаб, жамоатчилик орасида кенг оммалаштириш.</p>   | 2017 йил<br>июль-август   | <p>Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, таълим муассасалари раҳбарлари</p> |
| 5. | <p>Умумий ўрта таълим мактабларида, "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзбекнефтгаз" МХКнинг туман бўлимлари ходимлари билан ҳамкорликда машғулотлар ташкил этиш.</p>  | Хар ўқув<br>йили давомида | <p>Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари</p>                                 |
| 6. | <p>Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари онлига айланган ўзи яшаб турган муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойлиқларни асраб-авайлаш масалаларини сингдириш мақсадида сув, газ ва электр энергияни тежаб-тергаб ишлатишга ўргатиш</p>   | Хар ўқув<br>йили давомида | <p>Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, таълим муассасалари раҳбарлари</p> |

|     |  |                        |   |
|-----|--|------------------------|---|
| 7.  | Вилоят, туман (шаҳар) миқёсида “Тома-тома кўл бўлур, тежаб-тежаб мўл бўлур” мавзусида викториналар ташкил этиш.  | Ҳар ўқув йили давомида | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари                                 |
| 8.  | Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сувидан тежамкорлик билан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.   | Доимий                 | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари                                 |
| 9.  | Таълим муассасасида фаолият юритаётган ходимларни ўқувчиларга шахсий намуна бўлишга чорлаш мақсадида “Мен фарзандларимни тежамкорликка ўргатаман”, “Тежамкорлик - оила бюджетига кўшимча даромад” мавзусида деворий лавҳалар (плакат) тайёрлаб, таълим муассасаларидаги эътиборни тортадиган жойларга жойлаштириш. | 2017 йил сентябрь      | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, таълим муассасалари раҳбарлари |
| 10. | Таълим муассасаларида фойдаланилаётган чўғланма электр лампалар ва бошқа электр ускуналарини тежамкорлари билан алмаштириш.  | Доимий                 | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари                                 |
| 11. | Таълим муассасаларида электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш буйича амалга оширилган ишларни кенгайтирилган йиғилишларда муҳокама этиб бориш ва масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўриш.                                     | Доимий                 | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, таълим муассасалари раҳбарлари |



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TA'ЛИМИ VAZIRINING

2017 йил 3 июнь

188-сонли

### Б У Й Р У Қ И

#### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING 2017 ЙИЛ 2 ИЮНДАГИ ПҚ-3030-СОН ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3030-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги ПҚ-3030-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев) халқ таълими тизими раҳбар ходимлари ва мутахассисларининг аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш курсларининг янги ўқув Дастурларини ишлаб чиқиш бўйича жорий йилнинг 1 ноябрига қадар Фавқулодда вазиятлар вазирлигига таклиф киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3030-сон қарорининг мазмун-моҳиятини битирувчилар ва оналар ўртасида кенг тартиб қилиш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TA'ЛИМИ  
VAZIRINING**

2017 йил 3 июнь

189-сонли

**Б У Й Р У Ф И****ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
2017 ЙИЛ 3 ИЮНДАГИ ПҚ-3031-СОН “ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА  
ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (кейинги ўринларда қарор деб юритилади) ижросини таъминлаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун жалб қилиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, ўқувчи-талабалар ўртасида ўтказиб келинаётган “Умид ниҳоллари”, “Универсиада” спорт ўйинларини янада оммалаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Давлат педагогика институтлари ректорларига:

қарорнинг мазмун-моҳиятини ҳамда юртимизда жисмоний тарбия ва спорт билан биргаликда Олимпия, Паралимпия, Осиё ўйинлари қаторида Жаҳон ва Осиё чемпионатларининг ғолиб ва совриндорлари ҳамда халқаро тоифадаги спорт усталарини тайёрлашга барча шарт-шароитлар яратилаётганлиги бўйича барча таълим

муассасаларининг ишчи-ходимлари, талаба ва ўқувчиларга тушунтириш ишларини олиб бориш;

қарор ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ва мувофиқлаштирувчи ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Қувнок стартлар”, “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларини 3 босқичда (1-босқич – таълим муассасаси, 2-босқич - туман (шаҳар), 3-босқич вилоят миқёсида) ўтказиш, ғолиб спортчиларни аниқлаш ва тантанали равишда тақдирлаш;

ёзги таътил даврида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ва Давлат педагогика институтлари талабалари ўртасида “Ёзги таътилни спорт билан ўтказамиз” шиори остида спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш;

қарор ижросини таъминлаш бўйича доимий равишда таъсирчан чоралар кўриш ҳамда ҳар чорак якунлари бўйича ўтказиладиган мажлисларда амалга оширилаётган ишларни танқидий муҳокама қилиш, шунингдек чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан маълумотларни вазирликка тақдим қилиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов)га: ушбу буйруқ билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

ҳар чорак якунида ҳудудларда қарор ижроси юзасидан амалга оширилган ишларни танқидий-таҳлилий муҳокама қилиш ва ҳулоасини вазирлик раҳбариятига киритиш вазифалари юклатилсин.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирлигининг  
2017 йил Зиюндаги 189-сонли буйруғига илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон  
“Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  
қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги  
томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар режаси**

| T/p   | Тадбирлар номи   | Бажа-риш муддати     | Масъуллар  |
|---|--|----------------------|--|
| <b>I. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш</b> |  |                      |  |
| 1.  | Аҳолининг спорт тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгилловчи “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларини ва мусобақаларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низомига Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига тегишли тақлифларни тақдим қилиш.                                   | 2017 йил<br>IV чорак | Д.Кенжаев,<br>А.Алимов   |
| 2.  | Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасалари спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини спорт мактабларига бириктириш ва улардан фойдаланиш тартиби учун Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига тегишли тақлифлар киритиш. | 2017 йил<br>IV чорак | Д.Кенжаев,<br>А.Алимов,<br>Б.Сафаров, ҚҚР ХТВ,<br>ТШХТББ ва ВХТБ |
| 3.  | Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасалари, идора ва ташкилотларда ҳамда маҳаллаларда спорт клублари фаолиятини йўлга қўйиш тизимини жорий этиш лойиҳасини тайёрлаш ва тегишли ташкилотлар билан қарор қабул қилиш.                             | 2017 йил<br>IV чорак | Д.Кенжаев,<br>А.Алимов   |

|    |   |   |  |
|----|---|---|--|
| 4. | <p>Барча таълим муассасалари спорт иншоотларида дарсдан сўнг ўқувчи-талабалар учун спорт тўғараклари ва клублари фаолиятини тизимли ташкил этиш ва бошқаришни йўлга қўйиш мақсадида спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларида "Спорт тўғарати ва селекция бўйича тренер" лавозимини жорий этиш ва лавозим мажбуриятларини белгилашда иштирок этиш.</p>   | <p>Чақириқ асосида, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб</p> | <p>Д.Кенжаев,<br/>А.Алимов,<br/>Б.Сафаров,</p>                         |
| 5. | <p>Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамиятини бошқариш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.</p>  | <p>2017 йил III чорак</p>                             | <p>Д.Кенжаев, А.Алимов<br/>Б.Сафаров, ҚҚР ХТВ,<br/>ТШХТББ ва ВХТБ.</p> |
| 6. | <p>Олимпия захиралари коллежлари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турига ихтисослаштирилган Республика спорт мактаблари ва давлат мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва бошқа ташкилотларнинг спорт иншоотлари ва мажмуалари, стадионлари, болалар спорт объектлари ва сузиш хавзаларини эксплуатацияси жараёнига масъул ходимлар лавозимларини (сузиш хавзаларини филтёрловчиси, де-зинфектор, стадиондаги чим ўтларини ўстириш, дренаж устаси ва х.к.) штатлар жадвалига киритиш ва лавозим мажбуриятларини белгилашда иштирок этиш.</p> | <p>Чақириқ асосида, 2018 йил I чорак</p>              | <p>Д.Кенжаев,<br/>А.Алимов<br/>Б.Сафаров.</p>                          |
| 7. | <p>Жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган таълим муассасалари ва спорт клублари фаолиятини олимпия, миллий ва нолимпия спорт турлари кесимида рейтинг баҳолаш тизимини жорий этишда иштирок этиш.</p>   | <p>2017 йилдан бошлаб ҳар йил якунида</p>             | <p>Д.Кенжаев,<br/>А.Алимов<br/>Б.Сафаров.</p>                          |

|  |  |
|--|--|
| <b>II. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустақамлаш, замонавий спорт комплексларни қуриш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, мазкур соҳада хусусий секторни ривожлантириш</b>                        |  |
| 8.   | <p>Таълим муассасаларида, соғломлаштириш оромгоҳларида югуриш ва велосипед йўлакчалари, жисмоний машқлар бажариш учун тренажёрлар, ёшлар қизқишларига қўра (ролик ва скейтларда ҳаракатланиш учун йўлакчалар, сунъий қоя ва ҳ.к.) махсус иншоотлар ва сунъий қопламали спорт майдончаларини барпо этиш.</p> <p>Таълим муассасалари спорт заллари ва спорт иншоотларини, болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзалари, олимпия захиралари коллежлари, спорт турига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турига ихтисослаштирилган Республика спорт мактаблари ва давлат мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларини халқаро талабларга мос спорт анжомлари ва ускуналари билан эҳтиёжга қўра таъминлаш тартибини қайта қўриб чиқишда иштирок этиш ва тасдиқлаш учун киритиш.</p> |
| 9.   | <p>2018-2021 йиллар</p> <p>Д.Кенжаев, Б.Сафаров. ҚҚР ХТБ, ТШХТББ ва ВХТБ.</p>  |
| 10.  | <p>2017 йил IV чорак</p> <p>Д.Кенжаев, А.Алимов Б.Сафаров.</p>   |
| 11.  | <p>2017-2021 йиллар доимий</p> <p>Д.Кенжаев, А.Алимов Б.Сафаров. ҚҚР ХТБ, ТШХТББ ва ВХТБ.</p>  |
| <b>III. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда спорт мактабларини юқори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш</b> |  |
| 8.   | <p>Спорт таълим муассасалари ихтиёридаги спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, спорт таълим муассасаларида эҳтиёжга қўра қўшимча спорт гуруҳларини очиб, спорт натижадорлигини кўтариш. Республика ва халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган спортчиларни таълим муассасаларига мақсадли қабул қилиш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш.</p>  |

|  |  |                           |   |
|--|--|---------------------------|---|
| 12.  | Олимпия захиралари коллежлари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турига ихтисослаштирилган Республика спорт мактаблари ва давлат мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларини спорт турлари бўйича мусобақа ўтказиш қоидалари, дастурлар ва махсус адабиётлар билан таъминлашда иштирок этиш. | 2017-2021 йиллар          | Д.Кенжаев,<br>А.Алимов<br>Б.Сафаров.                              |
| <b>IV. Таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, аҳолининг қенг қатламлари ўртасида соғломлаштириш, жисмоний тарбиявий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни мақсадли тайёрлаш</b> |  |                           |   |
| 13.  | Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Қувноқ стартлар” спорт мусобақаларини ўтказиш, ғолиб спортчиларни аниқлаш ва тантанали равишда тақдирлаш:<br>1-босқич - таълим муассасаси миқёсида;<br>2-босқич - туман (шаҳар) миқёсида;<br>3-босқич - ҳудудлар миқёсида;<br>4-босқич - Республика миқёсида (финал).                 | 2017-2021 йиллар, доимий  | Д.Кенжаев,<br>А.Алимов,<br>Б.Сафаров,<br>ҚҚР ХТВ, ТШХТББ ва ВХТБ. |
| 14.  | Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Ёшлик спорт жамоалари” мусобақаларини ўтказиш:<br>1-босқич - таълим муассасаси миқёсида;<br>2-босқич - туман (шаҳар) миқёсида;<br>3-босқич - ҳудудлар миқёсида;<br>4-босқич - Республика миқёсида (финал).  | 2017-2021 йиллар, доимий  | Д.Кенжаев, А.Алимов<br>Б.Сафаров, ҚҚР ХТВ,<br>ТШХТББ ва ВХТБ.     |
| 15.  | Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларини ўтказиш, ғолиб спортчиларни аниқлаш ва тантанали равишда тақдирлаш:<br>1-босқич - таълим муассасаси миқёсида;<br>2-босқич - туман (шаҳар) миқёсида;<br>3-босқич - ҳудудлар миқёсида;<br>4-босқич - Республика миқёсида (финал).                  | Тасдиқланган режа асосида | Д.Кенжаев, А.Алимов<br>Б.Сафаров, ҚҚР ХТВ,<br>ТШХТББ ва ВХТБ.     |

|   |  |                          |  |
|---|--|--------------------------|--|
| 16.   | <p>Ёзги таътил даврида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Ёзги таътилни спорт билан ўтказамиз” шiori остида футбол, волейбол, гандбол, баскетбол, регби, велоспорт, бокс, таэквондо, енгил атлетика, сузич, теннис, гимнастика, акробатика, кураш, каратэ, армрестлинг, стол тенниси, бадмингтон, камондан ўк отиш, дзюдо, эркин ва юнон рим кураши, шахмат, шашка каби турлари буйича спорт мусобақалари, ўқув машгулотлари ва тадбирларини ўтказиш.</p>  | 2017-2021 йиллар, доимий | Д.Кенжаев,<br>А.Алимов<br>Б.Сафаров,<br>ҚҚР ХТВ, ТШХТББ ва ВХТБ. |
| 17.   | <p>Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида умумхалқ ва халқро байрамларга бағишланган спорт мусобақаларини ўтказиш.<br/>Жумладан:<br/>8 март Халқро хотин-қизлар кунни байрамига бағишлаб “Нафосат олами” шiori остида;<br/>“Наврўз” умумхалқ байрамига бағишлаб “Миллий кадриятларимиз-бекиёс бой-лигимиз” шiori остида;<br/>1 июнь “Халқро болалар кун”га бағишлаб “Соғлом бола” шiori остида;<br/>1 сентябрь “Мустақиллик кун”га бағишлаб “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” шiori остида спорт турлари ва халқ уйинлари буйича спорт тадбирларини ўтказиш.</p> | 2017-2021 йиллар, доимий | Д.Кенжаев,<br>А.Алимов<br>Б.Сафаров,<br>ҚҚР ХТВ, ТШХТББ ва ВХТБ. |
| <b>А) Аҳоли ўртасида соғломлаштириш ишларини ташкил этиш буйича амалга ошириладиган тадбирлар</b> |  |                          |  |
| 18.   | <p>Аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар, вояга етмаган ёшлар, ўқувчилар ва талаба ёшлар, хотин-қизлар, фахрийларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, спорт иншоотларида ва клубларда спорт билан шуғулланувчи аҳолининг сонини аниқлаш ва мунтазам шуғулланувчиларнинг ҳисобини олиб боришнинг ягона электрон базасини яратиш ва жорий этиш.</p>  | 2017 йил, ҳар йили       | Д.Кенжаев,<br>А.Алимов<br>Б.Сафаров,<br>ҚҚР ХТВ, ТШХТББ ва ВХТБ. |
| 19.   | <p>Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгилловчи “Ал-помииш” ва “Барчино” махсус тестларини муваффақиятли топширганлар учун гувоҳнома ва уч даражадаги нишонлар билан мусобақа ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш.</p>  | 2017-2021 йиллар, доимий | Д.Кенжаев,<br>А.Алимов<br>Б.Сафаров,<br>ҚҚР ХТВ, ТШХТББ ва ВХТБ. |



| <p><b>Б) Иқтидорли спортчиларни саралаб олиш (селекция) ишларини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар</b></p>   |   | <p>2017 йил IV чоракдан бошлаб, чақирёқ асосида</p> | <p>Д.Кенжаев, А.Алимов<br/>Б.Сафаров, ҚҚР ХТВ, ТШХТББ ва ВХТБ.</p>         |
|---|---|---|--|
| <p>20.</p>  | <p>Иқтидорли спортчиларни саралаб олиш (селекция) масалаларини республика комиссияси мажлисларида танқидий-таҳлилий муҳокамадан ўтказишда иштирок этиш.</p>   |   |  |
| <p><b>В) Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт ўйинлари ҳамда мусобақалар ғолибларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган ишлар</b></p> |   |   |  |
| <p>21.</p>  | <p>Таълим муассасаларининг ўқувчи ва талаба ёшлари ўртасида ўтказиладиган уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт ўйинларининг ғолиб ва совриндор спортчилари, уларнинг мураббийлари, тегишли таълим муассасалари раҳбарлари ва худудлардаги масъул ходимларни тақдирлаш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш чораларини амалга ошириш.</p>     | <p>2017 йил II чорак</p>                            | <p>Д.Кенжаев,<br/>А.Алимов<br/>Б.Сафаров,<br/>ҚҚР ХТВ, ТШХТББ ва ВХТБ.</p> |
| <p>22.</p>  | <p>Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт ўйинлари нуфузини янада ошириш мақсадида спорт мусобақалари дастурига қўшимча оммавий спорт турларини киритиш чораларини кўриш.</p>  | <p>2018 йилдан бошлаб</p>                           | <p>Д.Кенжаев,<br/>А.Алимов<br/>Б.Сафаров,<br/>ҚҚР ХТВ, ТШХТББ ва ВХТБ.</p> |
| <p>23.</p>  | <p>Таълим муассасаларининг ўқувчи ва талаба ёшлари ўртасида ўтказиладиган уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт ўйинларини самарадорлигини ошириш мақсадида халқаро мусобақаларни ўтказиш тақвими ва Олимпия ўйинларининг тўрт йиллик циклига мос равишда мамлакатимизда якуний тўртинчи босқич ўйинларини жорий этиш чораларини амалга ошириш.</p> | <p>2019 йилдан бошлаб</p>                           | <p>Д.Кенжаев, А.Алимов<br/>Б.Сафаров, ҚҚР ХТВ, ТШХТББ ва ВХТБ.</p>         |

|     |  |                       |  |
|-----|--|-----------------------|--|
| 24. | Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб қилиш, уларни салоҳиятидан ёш авлодни тарбиялашда ҳамда халқаро спорт алоқаларини мустаҳкамлашда самарали фойдаланиш ва муносиб рағбатлантириш чораларини амалга ошириш. | 2017 йил III чоракдан | Д.Кенжаев,<br>А.Алимов,<br>Б.Сафаров,<br>ҚҚР ХТВ, ТШХТББ ва<br>ВХТБ. |
|-----|--|-----------------------|--|

**Изоҳ:** ҚҚР ХТВ - Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги; ТШХТББ - Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси; ВХТБ - вилоятлар халқ таълим бошқармалари.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 3 июль

190-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ  
СТАНДАРТЛАРИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ  
ВА АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 187-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2017 йил 15 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқув дастурларини такомиллаштиришни ташкил этиш тўғрисида” ги 123қб/27қб-сонли қўшма буйруғи билан фан йўналишлари бўйича ижодий гуруҳлар томонидан давлат таълим стандартлари талаблари асосида умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Компетенциявий ёндашувга асосланган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида амалдаги мураккаб ва долзарб бўлмаган мавзулар чиқариб ташланди. Хусусан, жами 1304 соат мавзулар оптималлаштирилиб, илмий-техника тараққиётининг инсон ҳаёти ва фаолиятига боғланганлиги, муҳандислик-технологик йўналишларнинг мамлакатимиз иқтисодийётидаги аҳамиятининг ошиб боришини инобатга олган ҳолда янги мавзулар киритилди.

2017-2018 ўқув йилидан давлат таълим стандартлари ва унга мувофиқ ишлаб чиқилган умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурларини амалиётга жорий этишни ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таъ-

лимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган умумтаълим фанларининг ўқув дастурлари Илмий-методик кенгашларда маъқулланиб, босқичма-босқич амалиётга жорий этиш учун тавсия этилганлиги инobatта олинсин.

2. Республика таълим маркази ҳузуридаги фанлар бўйича Илмий-методик кенгашларнинг қарорлари билан тавсия этилган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари асосида яратилган умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этилсин.

3. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича мувофиқлаштирувчи республика ишчи гуруҳи (бундан буён матнда Республика ишчи гуруҳи деб юритилади) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Республика ишчи гуруҳи умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини ҳамда ўқув дастурларини 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этишни қуйидаги тартибда амалга оширилишини ташкиллаштиради:

**1-босқич:** 2017-2018 ўқув йилидан 1-,4-,6-,7-синфларда;

**2-босқич:** 2018-2019 ўқув йилидан 2-,3-, 8-,9-синфларда;

**3-босқич:** 2019-2020 ўқув йилидан 5-синфларда.

5. Белгилаб қўйилсинки, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини амалиётга самарали жорий этиш, унинг мониторингини олиб бориш, натижаларини таҳлил этиб, ҳисоботлар тайёрлаш ишларига халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари, ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари шахсан масъулдирлар.

5. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш (А.Носиров) ва Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш (М.Юлдашев) бош бошқармалари, Республика таълим маркази (И.Зокиров), А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (Н.Раҳмонқулова), Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров) га:

доимий равишда таълим тизимидаги педагоглар учун умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш юзасидан ўқувларни ўтказиб бориш;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурлари модулига

умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларининг мазмун-моҳиятини сингдириш;

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини вазирликнинг ахборот портали ҳамда Республика таълим марказининг веб-сайтига жойлаштириш;

2017 йил 25 августга қадар ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонлари лойиҳасини ишлаб чиқиш ва 2017-2018 ўқув йили давомида тажриба-синовдан ўтказиш чораларини белгилаш;

умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш юзасидан методик тавсиялар, тақвим-мавзу режалар намуналарини, фанлар кесимида давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини ҳар бир таълим муассасаларига етказиш;

дарслик муаллифлари, нашриёт ходимлари ва фан методистлари билан ҳамкорликда 2017-2018 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 1-,4-,6-,7-синфлари учун дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларини компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида сифатли нашрга тайёрлаш, ушбу яратилаётган ўқув-методик мажмуалар ўқувчиларни мантикий фикрлашга ундайдиган, расмларга бой, замонавий матбаа талабларига жавоб берадиган шаклларда чоп этилишини таъминлаш;

Халқ таълими вазирлиги томонидан йўлга қўйилган масофавий методик хизматни таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларни амалиётга самарали жорий этишга йўналтирган ҳолда ташкил этиш;

анъанавий Август кенгашларида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва унга мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув дастурларини 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этилиши юзасидан тизимдаги барча педагог ходимлар ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорларига:

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини амалиётга босқисма-босқич жорий этиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва вазирлик томонидан тақдим этилган механизм асосида

амалга ошириш;

2017 йил 15 августга қадар умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини барча таълим муассасаларига етказиш;

айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар йўналишига алоҳида эътибор қаратиш ва янги давлат таълим стандартларининг 4-боб II-бандига асосан фанларни чуқурлаштириб ўқитиш имкониятларидан самарали фойдаланиши йўлга қўйиш;

таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог кадрларга умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини амалиётга жорий этишда узлуксиз, мақсадли ва манзилли амалий-методик ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб, умумтаълим фанлари бўйича ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курслари ўқув режаларини давлат таълим стандартлари ва такомиллаштирилган ўқув дастурлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш;

кенгайтирилган йиғилишларда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларининг мазмун-моҳиятини муҳокама қилиш ҳамда педагог ходимлар ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш;

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини амалиётга жорий этилиши, бу борадаги илғор иш тажрибаларини маҳаллий ва республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш;

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини амалиётга жорий этилиши юзасидан ҳар чорак якуни бўйича ҳисоботларни Республика ишчи гуруҳига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

#### 7. Давлат педагогика институтлари ректорларига:

институт кенгашлари ва тегишли фан кафедралари йиғилишларида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларининг мазмун-моҳиятини муҳокама қилиш ва битирувчи курс (бакалавр 4-курс, магистр 2-курс) талабаларига етказиш;

тегишли таълим йўналишларининг ўқув режалари, ўқув дастурлари ва маъруза матнларини умумий ўрта таълимнинг янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш вазифалари юклатилсин.

8. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) ўрнатилган тартибда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини чоп этиш юзасидан молиявий манбаларга аниқлик киритсин.

9. Вазирликнинг ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтлари орқали ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRLIGI**  
**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**XALQ TAЪЛИМИ VAZIRLIGINING**

**Қ А Р О Р И**

"БАРКАМОЛ АВЛОД" БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА БОЛАЛАР  
ЎҚИГАНЛИГИ УЧУН ОТА-ОНАЛАР ТЎЛОВИНИ УНДИРИШ ВА  
УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА  
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2267-1**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон "2017 – 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривож-лантириш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги 50-сон "Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 10 августдаги 48 ва 23-сон қарори (рўйхат рақами 2267, 2011 йил 23 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 39-сон, 400-модда) билан тасдиқланган «Баркамол авлод» болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

*Тошкент ш.,  
2017 йил 6 июнь,  
70-сон*

**Б. ХОДЖАЕВ**

**Халқ таълими вазири**

*Тошкент ш.,  
2017 йил 6 июнь,  
32-сон*

**У. ИНОЯТОВ**



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва  
Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 6 июндаги 70, 32-сон  
қарорига ИЛОВА

**“Баркамол авлод” болалар марказларида болалар  
ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан  
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 1-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Тўлов қонун ҳужжатларида белгиланадиган миқдорларда ундирилади.».

2. 16-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«16. Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчилари ва ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олинган ўқувчилар, шунингдек, «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари, «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси тарбия муассасалари тарбияланувчилари тўловдан озод қилинади.

Тўловдан озод қилинадиган ўқувчилар ва тарбияланувчилар рўйхати имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари, «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси тарбия муассасалари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари молия бўлими раҳбарлари билан келишилган ҳолда «Баркамол авлод» болалар маркази раҳбари томонидан тасдиқланади.».

3. 17-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«17. Тўлов сифатида тушган маблағлар:

тўғарак фаолияти учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар, моддий бойликлар (мебель, асбоб-ускуна ва жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқалар) харид қилишга;

маданий оммавий тадбирларни ўтказиш ва уларда қатнашиш билан боғлиқ харажатларга;

ўқувчилари республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловлар ва фестивалларда 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган тўғарак раҳбарларини тегишинча энг кам ойлик иш ҳақининг беш, тўрт, уч баробари миқдорда моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.».

4. Мазкур ўзгартиришлар «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси билан келишилган.

**«SOS–Ўзбекистон болалар маҳаллалари»  
уюшмаси директори**  
2017 йил 6 июнь

**Г. АБИДОВА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 7 июнь

195-сонли

**Б У Й Р У Қ И****2017-2018 ўқув йилида имконияти чекланган  
болалар учун мўлжалланган таълим  
муассасаларини ўқув-методик мажмуалар билан  
таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги “Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-362-сонли қарорида умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун дарсликлар ҳар йили, 2-4-синфлар учун икки йилда бир марта ва 5-9-синфлар учун тўрт йилда бир марта янгиланиши белгилаб қўйилган.

2017-2018 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-, 4-, 6-, 7-синфларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан тўлиқ таъминлаш режалаштирилган.

2017-2018 ўқув йилида чоп этиладиган дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва мактаб ҳужжатларининг энг юқори (максимал) нархлари бўйича “Uzconsultservice” маъсулияти чекланган жамиятининг (01.03.2017 йилдаги Ref:18/8-сонли ҳамда 05.04.2017 йилдаги Ref:52/8-сонли) хулосалари олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплекси мажлисининг 6 январдаги №08-08-8-сонли баёнида 2017-2018 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 1-9-синфлари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 мартдаги “2017 йилда халқаро саноат ярмарка ва кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 153-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 6 апрелдаги 07/9-1 сонли топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, 2017-2018 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг

1-9-синфлари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш бўйича кооперацион биржа савдосида иштирок этилди ҳамда 34 790 639 нусхадаги дарслик, ўқув-методик қўлланмалар ҳамда иш дафтарларини чоп этиш учун нашриёт ва босмахоналар билан ўрнатилган тартибда шартномалар имзоланди.

Ушбу кооперацион биржа доирасида имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган таълим муассасалари учун яратилган 22 номда 12 091 нусхадаги дарсликлар ва иш дафтарларига таклифлар келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги “Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-362-сонли қарорига асосан 2017-2018 ўқув йилида махсус мактаб интернатларини ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш мақсадида

#### **БУЮРАМАН:**

1. “Uzconsultservice” масъулияти чекланган жамияти томонидан тақдим этилган хулосалар маълумот учун қабул қилинсин.

2017-2018 ўқув йилида имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган таълим муассасалари учун харид этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг харид қилиш шартлари ва уларнинг рўйхати, миқдори, энг юқори нархи ва техник талаблари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлими (А.Ортиков)га:

мазкур буйруқ иловаси билан тасдиқланган маълумотлар (харид этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг харид қилиш шартлари ва уларнинг рўйхати, миқдори, энг юқори нархи ва техник талаблари) ҳақида Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржасининг махсус ахборот портали орқали эълон бериш;

голиб нашриёт ва босмахоналар билан шартномалар имзолаш, Молия вазирлиги Фазначилиги орқали ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳамда ўз муддатида бўнак маблағлари тўловини амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

3. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Республика таълим маркази (И.Зокиров) вазирликнинг 2017 йил 3 мартдаги 73-сонли буйруғи билан тасдиқланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни қабул қилиш бўйича ишчи гуруҳи иш фаолиятини йўриқнома асосида ташкил этилишини назоратга олсин.

4. “Ўқув таълим-таъминот” ДУК (М.Мирхайдаров)га:

Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни қабул қилиш бўйича ишчи гуруҳ томонидан нашриётлардан қабул қилиб олинган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни тақсимот асосида, ўз муддатларида таълим муассасаларига тўлиқ ва сифатли етказилишини;

дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашриёт ёки босма хоналардан “Ўқув таълим-таъминот” ДУК томонидан қабул қилиб олинганидан кейин 3 кун муддатда ҳисоб-фактураларни вазирликнинг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига тақдим этилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

умумтаълим муассасаларининг дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни қабул қилиш бўйича ишчи гуруҳининг фаолиятини ташкил этилишини назорат қилиш;

умумтаълим муассасаларининг дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни қабул қилиш комиссиялари таркибини қайта кўриб чиқиш, уларнинг фаолиятини тўғри ташкил этиш ҳамда дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни қабул қилишга доир тегишли ҳужжатлар ва маълумотлар билан таъминлаш;

амалга оширилган ишлар юзасидан жорий йилнинг 10 август кунига қадар вазирликнинг Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимига ҳисобот бериш вазифалари юклатилсин.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилиши устидан назоратни вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2017 йил 22 июнь

204-сонли

### Б У Й Р У Қ И

#### ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-4969-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги Ф-4969-сонли фармойиши ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини халқ таълими тизимида кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ (бундан буён матнда ишчи гуруҳ деб юритилади) таркиби 1-иловага, чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлик тизимидаги барча таълим муассасаларида жорий йилнинг 10 ноябридан 10 декабригача “Конституция - ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати” шиори остида ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тадбирлар ойлиги ташкил этилсин.

4. Ишчи гуруҳ (Д.Кенжаев)га:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини кенг нишонлашга қаратилган ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифалари топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

бир ҳафта муддат ичида “Конституциямиз - ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати” шиори остида ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тадбирлар ойлигини ўтказиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда ҳуқуқшунос олимлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари билан ҳамкорлик қилиш;

ахборот-ресурс марказлари ва таълим муассасалари кутубхоналарида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигига бағишлаб ҳуқуқий адабиётлар кўргазмасини ташкил этиш;

тадбирларда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш чораларини кўриш, кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, уларда фаол иштирок этган ўқувчи-ёшларни рағбатлантириш;

тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида 2017 йил 15 декабрь кунига қадар вазирликнинг Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармасига ([a.tagaev@xtv.uz](mailto:a.tagaev@xtv.uz)) ахборот бериш вазифалари юклатилсин.

6. Республика таълим маркази (И.Зокиров) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини таълим муассасаларида кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқсин ва таълим муассасаларига етказсин.

7. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Ўзбекистана” газеталари (А.Раҳимов)га ўтказилаётган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Ушбу буйруқнинг 1 шловаси билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ва [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) ахборот порталида танишишингиз мумкин.*

Халқ таълими вазирлигине 2017 йил 22 июндаги 204-сонли буйруғига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма беш йиллигини халқ таълими тизимида кенг нишонлашга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш буйича вазирликнинг чора-тадбирлар режаси**

| №  | ТАДБИРЛАР МАЗМУНИ  | МУДДАТИ                   | МАСЪУЛЛАР   |
|----|--|---------------------------|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Конституциясини мактаб ўқувчилари орасида оммалаштиришга қаратилган қизиқарли нашрлар, медиа-дарслар тайёрлаш ва нашр қилиш.   | 2017 йил август-сентябрь  | ТМУҲЖРББ (А.Носиров),<br>РТМ (И.Зокиров)<br>Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров),                    |
| 2. | Умумий ўрта таълим муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари ва тамойилларини ўрганиш буйича олимпиадалар ташкил этиш ва ОАВда кенг ёритиш.  | 2017 йил сентябрь-ноябрь  | МАТБ (Х.Даминов),<br>РТМ (И.Зокиров),<br>Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев),<br>"Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталари (А.Рахимов) |
| 3. | Босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида Конституциянинг мазмун-моҳиятини, Асосий Қонунимиз ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар ва қўлга киритаётган ютуқларнинг бош омилли эканини тарғиб этиш, шу мавзуда телемулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш. | 2017 йил сентябрь-декабрь | Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев),<br>"Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталари (А.Рахимов)  |

|    |  |                         |  |
|----|--|-------------------------|--|
| 4. | <p>“Баркамол авлод” болалар марказларида “Конституция ўқувчилар нигоҳида” мавзусида ижодий ишлар танлови ва кургазмаларини ташкил этиш.</p>  | 2017 йил ноябрь-декабрь | <p>МАТБ (Х.Даминов), “Баркамол авлод” болалар маркази (Д.Эрматов), Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар ХТБлари</p>  |
| 5. | <p>Умумий ўрта таълим муассасаларида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” курсларини олиб бораётган профессор-ўқитувчилар учун илмий-назарий ва амалий семинарлар ташкил этиш.</p>  | 2017 йил ноябрь-декабрь | <p>ТМФТЭББ (М.Юлдашев), Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти (Н.Тайлаков), А.Авлоний номидаги ХТҲҚТМОМИ ва худудий малака ошириш институтлари ҳамда республика ташкилотлари</p> |
| 6. | <p>“Конституция-мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик ишларининг муҳим пойдевори” шiori остида шаҳар туман марказларида мустақиллик даврида берпо этилган иншоотларга ўқувчи ва талабаларнинг саёхатларини ташкил этиш ва оммавий ахборот воситаларида уларнинг таассуротлари ҳақида мақолалар бериб бориш.</p> | 2017 йил ноябрь-декабрь | <p>МАТБ (Х.Даминов), Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Ўзбекистана” газеталари (А.Рахимов), Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар ХТБлари</p> |
| 7. | <p>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қонда ва тамойилларини ўрганиш бўйича ўтказилган олимпиада ғолибларини тақдирлаш ва ушбу маросимларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш.</p>  | 2017 йил 6-7 декабрь    | <p>МАТБ (Х.Даминов) Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Ўзбекистана” газеталари (А.Рахимов)</p>  |



|    |  |                            |  |
|----|--|----------------------------|--|
| 8. | Амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирликнинг Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (a.tagaev@xtv.uz)га ахборот бериши. | 2017 йил<br>15<br>декабрда | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар ХТБлари, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти (Н.Тайлаков), А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ва худудий малака ошириш институтлари ҳамда республика ташкилотлари |
|----|--|----------------------------|--|

**Изоҳ:** Дастурда белгиланган вазифаларнинг ижросини муддатида бажариш ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботларни Халқ таълими вазирлигининг Маънавий-ахлоқий тарбия бўлимига [a.tagaev@xtv.uz](mailto:a.tagaev@xtv.uz) электрон манзили орқали тақдим этиш зарур.

**Шартли қисқартмалар:**

ТМФТЭББ – Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси

ТМУТЖРББ – Таълим муассасаларида ўқув тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси

МАТБ – Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси

РТМ – Республика таълим маркази

ХТХҚТМОМИ – Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти  
ХТБ – Халқ таълими бошқармаси

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TAЪЛИМИ  
BAZIRINING**

2017 йил 24 июнь

209-сонли

**Б У Й Р У Ғ И****ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
2017 ЙИЛ 22 ИЮНДАГИ ПҚ-3079-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини 2017-2018 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 22 июндаги ПҚ-3079-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда 2017-2018 ўқув йили ва куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 июндаги ПҚ-3079-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

**2. Қуйидагилар:**

вазирлик тизимидаги таълим муассасаларини (кейинги ўринларда матнда таълим муассасалари деб юритилади) 2017-2018 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш ишларини амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатиш ва назоратни олиб бориш бўйича Марказий штаб (бундан буён матнда Марказий штаб деб юритилади) таркиби 1-иловага мувофиқ;

таълим муассасаларини 2017-2018 ўқув йили ҳамда куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича вазирлик томонидан ҳудудларга бириктирилган масъул ходимлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

таълим муассасаларини 2017-2018 ўқув йили ҳамда куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ;

таълим муассасаларини 2017-2018 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати тўғрисидаги маълумотноманинг намунавий шакли 4-иловага мувофиқ;

таълим муассасаларига ўрнатиладиган иситиш қозонлари тўғрисидаги маълумотноманинг намунавий шакли 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Марказий штаб (С.Турғунов)га:

таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини ташкил этиш жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда мониторингини юритиш;

ҳудудлардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича жойларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан жойларда ташкил этилган штаблардан олинган маълумотларни умумлаштирган ҳолда вазирлик раҳбариятига ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, давлат педагогика институтлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги барча республика ташкилотлари раҳбарларига:

таълим муассасаларини 2017-2018 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб, тайёргарлик жараёнини мувофиқлаштириб бориш мақсадида штаблар ташкил этиш ҳамда уларнинг навбатчилик асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш;

асосий эътиборни таълим муассасаларини куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш борасида аниқ таъсирчан чоралар кўрилишига, бунда ўтган йил куз-қиш мавсумида йўл қўйилган камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилишга, жойлардаги ҳар бир таълим муассасаси бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқишга қаратиш;

таълим муассасалари ва таълимнинг жойлардаги бошқарув органлари томонидан қабул қилинган буйруқ, белгиланган чора-тадбирлар ва штаб таркибини 10 (ўн) кун муддатда Марказий штаб (электрон манзил: [a.xolmurodov@xtv.uz](mailto:a.xolmurodov@xtv.uz)) га тақдим этиш;

таълим муассасаларини 2017-2018 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича жорий йилда режалаштирилган ҳар бир таълим муассасаси кесимида бажариладиган иш ҳажмини белгилаш, тегишли ҳудудий молия бошқармалари ва туман(шаҳар) молия бўлимлари билан биргаликда уларнинг молиялаштириш манбаларини аниқлаш, 4-чорақда режалаштирилган маблағларни 3-чорақка ўтказиш чораларини кўрган ҳолда жорий йилнинг 20 июлига қадар амалга ошириладиган ишларнинг жадвали (сетевой график)ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

таълим муассасалари учун ажратилган кўмир (брикет) ёқилғисини вазирликнинг 2017 йил 3 январдаги 1-сонли буйруғига муво-

фиқ далолатнома асосида сифатли қабул қилиниши (белгиланган стандартларга жавоб бермайдиган кўмирни қабул қилмаслик) устидан назорат қилиб бориш;

кўмир (брикет) ёқилғиси билан иситиладиган таълим муассасаларини сифатли ёқилғи билан таъминлаш, қўлланмага асосан сақлаш ҳамда ёқилғини меъёрий сарфланиши устидан доимий назоратни олиб бориш учун ҳар бир туман(шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг ички буйруғи билан масъулларни бириктириш;

жорий йил Инвестиция дастурига киритилган барча таълим объектларидаги қурилиш-тиклаш ишларини янги ўқув йилига қадар тугатиб, фойдаланишга топширилишини қатъий назоратга олиш;

кўмир ёқилғисини биринчи навбатда олис, бориш қийин бўлган ва табиий газ танқислиги кутилаётган ҳудудларда жойлашган таълим муассасаларига етказишни инобатга олган ҳолда, ҳар бир таълим муассасаси кесимида ички тармоқ жадвали (сетевой график)ни ишлаб чиқиш;

режалаштирилган кўмир ёқилғисини имзоланган шартномаларга асосан барча таълим муассасаларига ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишини таъминлаш;

ҳудудий халқ таълими бошқармаларининг Марказий штаб билан тезкор алоқаларини йўлга қўйиш, бунинг учун ташкил этилган штабни барча зарурий техник воситалар (телефон ва факс аппаратури, интернет тармоғига уланган компьютер техникаси) билан таъминлаш, жойларда бажарилган ишлар тўғрисидаги асосланган маълумотларни 4 ва 5-иловаларга мувофиқ 2017 йил 1 июлидан бошлаб ҳар ойнинг 1-, 10-, 20-саналарида Марказий штабга расмий тарзда тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, таълим муассасаларини 2017-2018 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлашни ўз вақтида, сифатли амалга оширилишига таълимнинг жойлардаги бошқарув органларининг биринчи раҳбарлари шахсан жавобгардирлар.

6. “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Рахимов) га таълим муассасаларини 2017-2018 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш жараёнининг бориши, эришилган натижалар, мавжуд камчилик ва муаммоларни газета саҳифаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур буйруқни бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирининг  
2017 йил 24 июндаги  
209-сонли буйруғига  
1 -илова

**Вазирлик тизимидаги таълим муассасаларини  
2017-2018 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида барқарор  
ишлашга тайёрлаш ишларини амалга оширишда амалий  
ёрдам кўрсатиш ва назоратни олиб бориш бўйича Марказий  
штаб таркиби**

| Т/р | Исми,<br>фамилияси | Иш жойи ва лавозими   |
|-----|--------------------|---|
| 1   | С.Турғунов         | Вазирнинг биринчи ўринбосари, штаб бошлиғи;   |
| 2   | Лавозимига кўра    | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи, штаб бошлиғи ўринбосари;   |
| 3   | А.Холмуродов       | Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, котиб  |
| 4   | С.Сейткамалов      | Умумий ўрта таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи, аъзо  |
| 5   | А.Носиров          | Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илғор педагогика технологияларини жорий этиш бўлими бошлиғи, аъзо  |
| 6   | И.Акбаров          | Муסיқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси бошлиғи, аъзо  |
| 7   | Ф.Эсонбобоев       | Педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, аъзо                       |
| 8   | А.Алимов           | Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, аъзо   |
| 9   | С.Аширов           | Умумий ўрта таълим муассасалари бошқармаси етакчи назоратчиси, аъзо   |
| 10  | Лавозимига кўра    | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари |

Халқ таълими вазирлигига  
2017 йил 24 июндаги 209-сонли буйруғига  
2-илова

Таълим муассасаларини 2017-2018 ўқув йили  
хамда куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича вазирлик томонидан ҳудудларга би-  
риктирилган масъул ходимлар рўйхати

| №         | Ҳудудлар ва туман (шаҳар)лар  | Бириктирилган масъул | Лавозими  |
|-----------|---|----------------------|---|
|           | <b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>   | <b>А.Хундибаев</b>   | ХТВ бўлим бошлиғи   |
|           |   | Ж.Ешимбетов          | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги шўъба раҳбари |
| <b>1.</b> | Хўжайли, Шуманай, Қонликўл, Қўнғирот, Мўйноқ Нукус шаҳри, Амударё, Беруний, Эллиққалъа ва Тўрткўл | М. Утепбергенов      | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори                                   |
|           | Нукус, Кегайли, Чимбой, Қораўзақ ва Тахтакўпир  | М. Джумабоев         | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари                         |
|           | <b>Андижон вилояти</b>  | С. Оринбаев          | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси                             |
|           |   | <b>А. Содиқов</b>    | ХТВ бош назоратчиси   |
|           |   | А. Собиров           | ВХТБ шўъба раҳбари  |
| <b>2.</b> | Марҳамат, Булоқбоши, Хўжабод, Жалақудук, Қўргонтепа туманлари, Қорасув ва Хонобод шаҳарлари       | У. Сотиволдиев       | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори                                   |
|           | Асака, Шахрихон, Бўз, Улғунор, Балиқчи ва Олтинкўл  | Х. Мехмонов          | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари                         |
|           | Андижон шаҳри, Андижон, Избоскан ва Пахтабод  | А. Абдуллаев         | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси                             |

|           |  |                     |  |
|-----------|--|---------------------|--|
| <b>3.</b> | <b>Бухоро вилояти</b>                              | <b>Ш.Нетьматов</b>  | Тошкент вилояти ХТХҚТМОИ проректори              |
|           |  | З.Ражабов           | ВХТБ шўъба раҳбари                               |
|           | Бухоро шаҳри, Бухоро, Жондор, Олот ва Қорақўл      | Ҳ.Авазов            | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори                  |
|           | Вобкент, Пешку, Шофиркон ва Ғиждувон               | Ш.Икрамов           | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари        |
|           | Ромитан тумани, Когон шаҳар, Когон ва Қоровулбозор | С.Раҳматов          | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси            |
| <b>4.</b> | <b>Жиззах вилояти</b>                              | <b>Ф.Мирбобоев</b>  | А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИ проректори           |
|           |  | А.Жайнақов          | ВХТБ шўъба раҳбари                               |
|           | Жиззах шаҳри, Жиззах, Зарбдор, Зомин ва Ян-гибод   | С.Расулов           | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори                  |
|           | Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик, Арнасой ва Мирзачўл  | У.Қобилов           | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари        |
|           | Фориш, Ғаллаорол ва Бахмал                         | Ш.Мўминов           | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси            |
| <b>5.</b> | <b>Қашқадарё вилояти</b>                           | <b>А.Холмуродов</b> | ХТВ бошқарма бошлиги ўринбосари                  |
|           |  | Н.Авазов            | ВХТБ шўъба раҳбари                               |
|           | Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи ва Қамаш        | Т.Қурбонов          | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори                  |
|           | Қарши шаҳри, Қарши, Ғузор, Деҳқонобод ва Нишон     | Р.Эшимов            | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари        |
|           | Муборак, Касби, Косон ва Миришкор                  | Б.Авазов            | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси ўринбосари |

|    |  |                    |  |
|----|--|--------------------|--|
| 6. | Навоий вилояти   | <b>О. Ражабов</b>  | ХТВ бўлим бошлиғи                                |
|    |  | Л. Облакулов       | ВХТБ шўба раҳбари                                |
|    | Зарафшон шаҳри, Учкудук ва Томди   | А. Пулатов         | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори                  |
|    | Навбахор, Нурога ва Кониমেҳ  | О. Эшмуродов       | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари        |
|    | Навоий шаҳри, Қизилтепа, Кармана ва Хатирчи                                      | О. Раҳмонов        | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси ўринбосари |
| 7. | Наманган вилояти   | <b>Б. Раззоқов</b> | Республика ташхис маркази директори ўринбосари   |
|    |  | Ғ. Асракулов       | ВХТБ шўба раҳбари                                |
|    | Поп, Мингбулок, Чуст ва Норин  | Қ. Джураев         | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори                  |
|    | Наманган шаҳри, Наманган, Тўрақўрғон ва Қосонсой                                 | А. Фахретдинов     | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари        |
|    | Чортоқ, Уйчи, Янгиқўрғон ва Учқўрғон   | Ш. Аҳмедов         | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси            |
| 8. | Самарқанд вилояти  | <b>Ф. Ҳақимов</b>  | ХТВ бошқарма бошлиғи                             |
|    |  | З. Абдуллаев       | ВХТБ шўба раҳбари                                |
|    | Самарқанд шаҳри, Самарқанд, Жомбой, Булунғур, Тойлоқ ва Ургут                    | Б. Усмонов         | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори                  |
|    | Қўшрабат, Пайарик, Оқдарё ва Иштихон   | Э. Мухаммадиев     | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари        |
|    | Пастдаргом, Каттақўрғон туманлари, Каттақўрғон шаҳри, Нарпай, Пахтачи ва Нуробод | Б. Аҳмедов         | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси            |



|            |   |                      |   |
|------------|---|----------------------|---|
| <b>9.</b>  | <b>Сурхондарё вилояти</b>   | <b>Х. Самандаров</b> | ХТВ бош назоратчиси                       |
|            |   | И. Сафаров           | ВХТБ шўъба раҳбари                        |
|            | Термиз, Ангор, Музробод, Шеробод ва Бойсун                            | Б. Умаров            | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори           |
|            | Жарқўрғон, Қизирик, Қумқўрғон ва Шўрчи                                | Қ. Нормуродов        | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари |
|            | Термиз шаҳри, Олтинсой, Денов, Сариосиё ва Узун                       | Ш. Худойқулов        | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси     |
| <b>10.</b> | <b>Сирдарё вилояти</b>  | <b>Б. Ҳидоятлов</b>  | ХТВ бўлим бошлиғи                         |
|            |   | Ғ. Эрдонов           | ВХТБ шўъба раҳбари                        |
|            | Ширин шаҳри, Боявут, Ховос ва Янгиариқ                                | А. Жабборов          | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори           |
|            | Сирдарё, Сайхунобод ва Мирзабод                                       | К. Жўраев            | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари |
|            | Гулистон шаҳри, Гулистон, Сардоба ва Оқолтин                          | Қ. Юлдашев           | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси     |
| <b>11.</b> | <b>Тошкент вилояти</b>  | <b>И. Акбаров</b>    | ХТВ бошқарма бошлиғи                      |
|            |   | С. Ким               | ВХТБ шўъба раҳбари                        |
|            | Қйбрай тумани, Чирчиқ шаҳри, Бўстонлик, Паркент, Юқричирчиқ, Зангиота | А. Тохириён          | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори           |
|            | Бекобод шаҳри, Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Қуйчириқ, Чиноз ва Янгийўл    | М. Исломов           | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари |
|            | Ангрен шаҳри, Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон, Ўртачирчиқ ва Покент          | Б. Аҳмедов           | «Ёшлик» ЖТСЖнинг минтақавий кенгаши раиси |
|            |   |                      |   |

|            |  |                       |   |
|------------|--|-----------------------|---|
| <b>12.</b> | <b>Фаргона вилояти</b>   | О. Усмонов            | Республика таълим маркази бош методисти   |
|            |  | Р. Холиқназаров       | ВХТБ шўъба раҳбари                        |
|            | Фаргона шаҳри, Марғилон шаҳри, Қувасой шаҳри, Қува, Тошлоқ, Фаргона, Қўштепа ва Езёвон | А. Мирзакулов         | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори           |
|            | Олтиариқ, Богдод, Риштон, Сўх, Бувайда ва Учқўприк                                     | А. Мирсаидов          | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари |
|            | Қўҳон шаҳри, Дангара, Фурқат, Бешариқ ва Ўзбекистон                                    | У. Умаралиев          | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси     |
| <b>13.</b> | <b>Хоразм вилояти</b>  | <b>С. Аширов</b>      | ХТВ бўлим бошлиғи                         |
|            |  | Б. Казаков            | ВХТБ шўъба раҳбари                        |
|            | Урганч, Янгибозор, Гурлан ва Шовот   | Т. Абдуллаев          | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори           |
|            | Қўшқўприк, Хива, Янгиариқ ва Ҳонқа   | Ҳ. Қурбонов           | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари |
| <b>14.</b> | Урганч шаҳри, Богот ва Хазорасп  | С. Қурбонов           | «Ёшлик» ЖТСЖ минтақавий кенгаши раиси     |
|            | <b>Тошкент шаҳар</b>   | <b>С. Саиткамалов</b> | ХТВ бошқарма бошлиғи                      |
|            |  | Т. Матякубов          | ТШХТБ шўъба раҳбари                       |
|            | Бектемир, Миробод, Яшнаобод ва М. Улуғбек  | А. Тагаев             | Худудий ХТХҚТМОИ ЎИБ проректори           |
|            | Яккасарой, Сергели, Учтепа ва Чилонзор   | О. Саидкаримов        | «Ўқув таълим-таъминот» ДУК филиал раҳбари |
|            | Шайхонтоҳур, Олмазор ва Юнусобод   | Ж. Раҳматжонов        | «Ёшлик» ЖТСЖнинг минтақавий кенгаши раиси |

Халқ таълими вазирлигининг  
2017 йил 24 июндаги 209-сонли буйруғига  
3-илова

Таълим муассасаларини 2017-2018 ўқув йили ҳамда куз-қиш мавсумида  
барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режаси

| Т/р | Тадбирлар номи  | Бажариш мuddати  | Масъуллар   |
|-----|---|------------------|---|
| 1.  | Халқ таълими муассасаларини 2017-2018 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлаши учун қозонхоналар ва муҳандислик иншоотларини таъмирлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини (ҳар бир муассаса учун маъсул шахслар ва ижро мuddати билан бирга) ишлаб чиқсин ва тасдиқласин  | 2017 йил 25 июнь | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлиmlлари, Республика ташкилотлари раҳбарлари |
| 2.  | Газ танқислиги кутилаётган ҳудудларни аниқлаш ва ушбу ҳудуддаги кўмир (брикет) ёқилгисига эҳтиёжи бўлган таълим муассасалари учун ажратилган лимит доирасида кўмир (брикет) ёқилгиларини етказиб бериш графигини тасдиқлаш  | 2017 йил 25 июнь | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлиmlлари                                     |
| 3.  | Халқ таълими муассасалари бино ва иншоотлари, муҳандислик коммуникацияларини хусусан, қишлоқ жойларида жойлашган муассасалар хожатхоналарини амалдаги санитар қондалар ва гигиенж меъёрлар асосида таъмирлаш шунингдек, ушбу муассасалар смета харажатларида кўзда тутилган маблағлар доирасида зерурий қурилиш ашёларини (рубероид, битум, шифер, ойна) харид қилиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш | 2017 йил 10 июнь | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлиmlлари                                     |

|    |  |                        |  |
|----|--|------------------------|--|
| 4. | <p>Мавжуд эҳтиёжни ҳисоба олиб, халқ таълими объекtlари учун сертификатига эга бўлган иситиш қозонларини ўрнатилишини назорат қилиб бориш</p>  | 2017 йил<br>10 июль    | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари  |
| 5. | <p>Халқ таълими муассасаларини куз-қиш мавсумига барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш</p>  | 2017 йил<br>1 сентябрь | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини менадид таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари |
| 6. | <p>Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида иситиш тизими ва қозонхоналарни таъмирлаш ишларини боришини доимий назорат қилиб бориш ва ушбу ишларни мувофиқлаштириш</p>  | 2017 йил<br>1 сентябрь | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини менадид таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари |
| 7. | <p>Халқ таълими муассасаларида иссиқлик таъминоти сифатини ошириш, мухандислик коммуникация жойлашган ертўла ва чердақларни текширишни ташкил этиш, ташқи иситиш тармоқларини изоляция қилиш, чердақларни иситилишини таъминлаш, ертўла ва чердақларга кириш эшикларини беркитиш, биналарнинг панеллари ва қаватлари оралиқларига асосий эътиборни қаратиш, ҳар бир объектнинг чиққис йўллари, йўлақлари ва пиёдалар юриш жойларини асфальтлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш</p> | 2017 йил<br>1 октябрь  | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини менадид таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари |

|     |   |                             |  |
|-----|---|-----------------------------|--|
| 8.  | Муассасалардаги мавжуд иситиш қозонларини кўмир ёқилгисига мослаштириш ишларини белгиланган муддатларда ижросини таъминлаш  | 2017 йил<br>1 ноябрь        | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини менадидик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари |
| 9.  | Халқ таълими муассасаларининг эҳтиёжига мувофиқ кўмир ёқилгиси билан таъминлаш ва тасдиқланган кўмир тақсироти асосида ўз вақтида молиялаштирилишини доимий назорат қилиб бориш | 2017 йил<br>1 ноябрь        | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини менадидик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари |
| 10. | Халқ таълими муассасаларини 2017-2018 йиллар куз-қиш мавсумига барҳарор ишлаш учун мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини якунига етказиш   | 2017 йил<br>1 сен-<br>тябрь | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини менадидик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари |
| 11. | Куз-қиш мавсумида иссиқликни сақлаш бўйича тегишли маҳсулотлар захирасини яратиш (пахта, скотч, полиэтилен плёнкаси, пужина ва ҳ.к)   | 2017 йил<br>1 октябрь       | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини менадидик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари |

Халқ таълими вазирлигининг  
2017 йил 24 июндаги 209-сонли буйруғига  
3-илова

вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги мактабгача таълим муассасаларида 2017-2018 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши тўғрисида тезкор маълумот

| № | Туман (шаҳар) ва муассаса номи | Ажратилган маблағ<br>(млн. сўмда) | Пудрат таш-килоти номи | Таъмирлаш ишларини якунлаш мuddати | Режалаштирилган иш турлари | Ҳозирги ҳолати, бажарилган иш турлари | Бажарилган иш ҳажми ажратилган маблағга нисбатан<br>(млн. сўмда) |
|---|--------------------------------|-----------------------------------|------------------------|------------------------------------|----------------------------|---------------------------------------|--|
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |
|   |                                |                                   |                        |                                    |                            |                                       |  |

Халқ таълими вазирлигине  
2017 йил 24 июндаги 209-сонли буйруғига  
5-илова

\_\_\_\_\_ вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги таълим муассасаларида 2017 йилда янги иситиш қозонларини ўрнатиш режасининг бажарилиши буйича тезкор маълумот

| Т/Р | Туман (шаҳар) ва муассаса номи | Муассаса қозонхонасидаги алмаштириладиган қозонлар сони (дона) | Қозонларни алмаштириш муддати | Маблағ (млн. сўмда) |            | Тендер ўтказилган | Ўрнатиш ишлари (бошланмаган, давом этмоқда, ўрнатилган) |
|-----|--------------------------------|--|-------------------------------|---------------------|------------|-------------------|---|
|     |                                |  |                               | режалаштирилган     | ажратилган |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |
|     |                                |  |                               |                     |            |                   |   |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 24 июнь

210-сонли

**Б У Й Р У Қ И****ТАЪЛИМ РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН УМУМИЙ ЎРТА  
ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ФАН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ  
КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ОШИРИБ БОРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 234-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини сифатли таъминлаш, таълим рус тилида олиб борилаётган умумий ўрта таълим мактаблари (синфлари) фан ўқитувчиларининг касбий маҳоратини талаб даражасида бўлишига эришиш, фанларни рус тилида ўқитишга оид амалий билимларини ошириш, амалиётда қўллаш кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, уларнинг доимий тарзда мустақил таълим олишларини йўлга қўйиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. 2017 йил июль ойидан бошлаб халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлар (кейинги ўринларда ҳудудий институтлар деб юритилади) базасида таълим рус тилида олиб борилаётган умумий ўрта таълим мактаблари фан ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишга қаратилган рус тилини ўргатиш курслари (кейинги ўринларда ўқув курслари деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Жорий йилдаги ўқув курслари ҳудудий институтларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тингловчиларни гуруҳларга бўлган ҳолда ташкил этилиши ва машғулотларни ўтганликлари учун ўқитувчи-тренерларга иш ҳақи соатбай асосида тўланиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўқув машғулотларининг (288 соатга мўлжалланган) ўқув режаси ва дастури (рус тилидаги матнда) 1-иловага, ўқув машғулотларини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб



юритилади) таркиби 2-иловага, ўқув курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (кейинги ўринларда Марказий институт деб юритилади (Н.Рахмонқулова)) Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (И.Исмаилов) билан бирга:

10 июлдан бошлаб мазкур буйруқнинг 1-илоvasида келтирилган ўқув режа ва дастур асосида ўқув-методик материаллар (ҳар бир мавзу бўйича дарс ишланмалари, тақдимотлар, кириш-чиқиш тестлари, маъруза матнлари, кўргазмалари ва тарқатма материаллар)ни босқичма-босқич ишлаб чиқиш ва ҳудудий институтларга етказиш;

ўқув курсларини ташкил этиш ва ўқув-методик материалларидан самарали фойдаланиш юзасидан ҳудудий институтлар раҳбарлари ҳамда ўқитувчи-тренерларга методик ёрдам кўрсатиш;

ўқув курсларини ташкил этиш сифатини аниқлаш, мувофиқлаштириш, мазкур курслар ҳақидаги жойлардан тақдим этилган маълумотларни умумлаштириш асосида ўқитувчиларнинг касбий салоҳияти мониторингини юритиш;

ҳудудларда мазкур йўналиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумотларни ҳар ойда, умумлаштирилган таҳлилий ҳисоботни курслар якунида Халқ таълими вазирлигига тақдим этиш вазибалари юклатилсин.

5. Ҳудудий институтлар ректорларига:

5 июлга қадар курсларни олиб бориш учун ҳудуддаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган, рус тилини ўқитиш бўйича тренерлик лаёқатига эга, малакали ўқитувчи-тренерларни жалб этиш, уларни 3-иловадаги Тартиб билан таништириш ва тегишли шартномалар имзолаш;

7 июлга қадар халқ таълими ҳудудий бошқарув идораларининг буюртмаси асосида курсларда ўқиш истагини билдирган ўқитувчиларнинг рус тилини билиш даражасини диктант ва оғзаки суҳбат орқали аниқлаш ва гуруҳларга ажратиш, ўқув курсларининг машғулотлар жадвалларини тузиш;

8 июлга қадар гуруҳлар бўйича тингловчилар рўйхати, ҳар бир гуруҳ учун алоҳида машғулотлар жадваллари ҳамда гуруҳларга бириктирилган ўқитувчи-тренерлар тўғрисидаги маълумотларни Марказий институтга тақдим этиш;

ўқув курслари машғулотлари ўтказиладиган аудиторияларни курс мазмуни ва хусусиятидан келиб чиқиб ўқитишнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозланиши ҳамда машғулотларни белгиланган муддатларда сифатли, ушқоқлик билан юқори са-

вияда ташкил этилишини, ҳар бир гуруҳ учун ўқув журналларини ўрнатилган тартибда юритилиши, ўтилган дарс машғулоти ва тингловчилар давоматини қайд этиб борилишини таъминлаш;

тингловчиларнинг ўқув курсларида эгаллаган билимлари самарадорлигини аниқлаш мақсадида курс якунида етакчи мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этиш, тест синовларини ўтказиш ва мониторингини олиб бориш;

ўқув курсларининг ташкил этилиши ҳақидаги маълумотларни ҳар ойда ва таҳлилий ҳисоботни курслар якунида Марказий институтга умумлаштириш учун тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мудирларига:

4 июлга қадар ўқув курсларида иштирок этиш истагини билдирган ўқитувчилар тўғрисидаги буюртмани қайта кўриб чиқиш ҳамда ҳудудий институтга тақдим этиш;

ҳудудий институтлар томонидан тузилган машғулотлар жадваллари асосида ўқитувчиларни белгиланган муддатларда курсларга етиб боришларини таъминлаш ва иштирок этишларини қатъий назоратга олиш;

ўқув курслари самарадорлигини ошириш, янада такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларни ҳудудий институтлар ва Марказий институтга мунтазам киритиб бориш вазифалари топширилсин.

7. Ишчи гуруҳ (М.Юлдашев)га:

ўқув курсларини белгиланган муддатларда сифатли ташкил этилишини назорат қилиш, мониторингини олиб бориш ва натижалари юзасидан вазирлик раҳбариятига таҳлилий маълумот киритиш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари С.Турғунов зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Ушбу буйруқнинг тўлиқ матни билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ва [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) ахборот порталида танишишингиз мумкин.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 27 июнь

214-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЧЕТ ТИЛЛАР  
ЎҚИТУВЧИЛАРИ КАСБ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ ҲАР ҲАФТАЛИК  
КУРСЛАРИ ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги “Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 67-сонли қарори билан тасдиқланган Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги 67-сонли қарори билан ташкил этилган умумий ўрта таълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари ҳар ҳафталик курсларининг 2017 йил 1-босқичи якуний аттестацияси (кейинги ўринларда якуний аттестация деб юритилади) 2017 йилнинг 3-11 июль кунлари ўтказилиши белгилансин.

2. Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курслари якуний аттестацияси ўтказилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага, Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларининг якуний аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (Н.Раҳманкулова)га:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мутахассислари билан ҳамкорликда якуний аттестация материалларини тайёрлаш;

якуний аттестация тест синовларини “online” тартибида ўтказиш учун барча тайёргарлик ишларини кўриш ҳамда аттестация материалларини тизимга жойлаштириш;

худудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларига якуний аттестация материалларини етказиш;

якуний аттестация натижалари асосида ўқитувчиларнинг ўзлаштириш мониторингини олиб бориш, уларнинг рейтингини аниқлаш ва билимларида кузатилган бўшлиқларни тўлдириш ҳамда касбий маҳоратларини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш, методистлар ва ўқитувчилар учун методик тавсиялар ишлаб чиқиб, август кенгашларида жойларга етказиш;

жорий йилнинг 17 июль кунига қадар аттестация якунлари ҳамда келгусидаги вазифалар тўғрисида вазирликка таҳлилий маълумот тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига якуний аттестацияда иштирок этувчи ўқитувчилар рўйхатини шакллантириш ҳамда иштирокчиларни жадвал асосида белгиланган муддатларда аттестация ўтказиладиган жойга етиб келишларини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Худудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорлари Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирилиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда якуний аттестацияни ўтказиш жадвалини тузиш, аттестацияни ўтказиш комиссияси таркибини шакллантириш, масъуллар ҳамда аудитория кузатувчиларини тайинлаш ҳамда А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтига тақдим этиш;

аттестацияни ўтказиш комиссияси аъзолари, масъуллар ҳамда аудитория кузатувчиларини якуний аттестация ўтказиш тартиби билан таништириш, тегишли ташкилий ишларни амалга ошириш;

якуний аттестация материалларини кўпайтиришни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириш чораларини кўриш;

якуний аттестацияни “online” тартибида ўтказиш учун барча чораларни кўриш, хусусан, электр тармоқларининг узлуксиз ишлаши, интернет тезлигини ўртача 2Мб/сек дан кам бўлмаслиги, якуний аттестация ўтказиладиган хоналардаги ўқув жиҳозларининг созлигини таъминлаш;

якуний аттестация синовларини ташкил этиш ва уни ўтказишда мазкур буйруқ билан тасдиқланган йўриқномага қатъий амал қилиш;  
якуний аттестация натижалари бўйича маълумотларни 2017 йил 14 июлгача А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, якуний аттестация жараёнининг сифатли ташкил этилиши ва белгиланган талаблар асосида юқори савияда, адолатли ўтказилишига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда ҳудудий институтлар ректорлари шахсан масъулдирлар.

7. Ишчи гуруҳ (М.Юлдашев)га:

якуний аттестацияни белгиланган муддатларда сифатли ташкил этилишини назорат қилиш;

амалга оширилган ишлар юзасидан тегишли маълумотларни вазирлик раҳбариятига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

8. Мазкур буйруқнинг қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2016 йил 8 июндаги 150-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С.Турғунов зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг  
2017 йил 27 июндаги 214-сонли буйруғига  
1-илова*

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг чет тиллар  
ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик  
курсларининг якуний аттестациясини ўтказилишини назорат  
қилиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби**

| т/р | Фамилияси ва<br>исми | Лавозими  |
|-----|----------------------|---|
| 1.  | М.Юлдашев            | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи, раис   |
| 2.  | А.Носиров            | Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, аъзо   |
| 3.  | Ф.Эсанбабаев         | Педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, аъзо                         |
| 4.  | Н.Раҳманкулова       | А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти ректори, аъзо                           |
|     | Лавозими бўйича      | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, аъзо |
| 6.  | Лавозими бўйича      | худудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорлари, аъзо   |

*Халқ таълими вазирининг  
2017 йил 27 июндаги 214-сонли буйруғига  
2-илова*

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг  
чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар  
ҳафталик курсларининг якуний аттестациясини ўтказиш  
тартиби тўғрисида йўриқнома**

**1- боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги “Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 67-сонли қарори билан тасдиқланган Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг ижросини таъминлаш, ҳар ҳафталик курсларнинг ўқув режаси ва дастурида назарда тутилган машғулотлар якунида тингловчиларнинг билим ва тил салоҳиятини якуний аттестациясини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Якуний аттестацияни ўтказиш ошкоралик, холислик, тенглик тамойиллари асосида амалга оширилади.

**2-боб. Якуний аттестациянинг  
мақсад ва вазифалари**

3. Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасалари чет тиллари ўқитувчиларининг касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курслари якуний аттестациясини ўтказиш тартибини жорий этишдан кўзланган мақсад ўқитувчининг касбий эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат.

4. Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасалари чет тиллари ўқитувчиларининг касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курслари якуний аттестациясини ўтказиш тартибининг вазифалари:

чет тили ўқитувчисининг мақсадли малака оширишга замин яратиш ва малака оширишни амалиёт билан узвийлигини таъминлаш;  
малака ошириш даврида чет тили ўқитувчисининг ўз касбий билимларини замон талаблари асосида янгиллаш;

чет тили ўқитувчисининг амалдаги касбий эҳтиёжлари асосида мақсадли малака ошириш курслари ўқув-режа ва дастурларини тақомиллаштириш ҳамда ўқув материаллари мазмунини бойитиш.

### **3-боб. Якуний аттестацияни ўтказишнинг ташкилий масалалари**

5. А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти (кейинги ўринларда Марказий институт деб юритилади):

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мутахассислари билан ҳамкорликда, Давлат тест маркази билан келишган ҳолда якуний аттестация материалларини (тест саволлари банки, ёзма (ижодий) иш ва суҳбат мавзуларни) шакллантиради ҳамда баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади;

якуний аттестация тест синовларини “online” тартибида ўтказиш учун барча тайёргарлик ишларини кўради ҳамда аттестация материалларининг махфийлигини таъминлайди;

ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларига (кейинги ўринларда ҳудудий институтлар деб юритилади) якуний аттестация материалларини етказилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари:

якуний аттестацияга қатнашувчи иштирокчилар рўйхатини шакллантиради;

ҳудудий институтлар билан бирга якуний аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади ва Марказий институтга тақдим этади;

якуний аттестацияда иштирок этадиган ўқитувчиларни жадвал асосида белгиланган муддатларда аттестация ўтказиладиган жойга етиб келишларини таъминлайди.

7. Ҳудудий институтлар:

якуний аттестация ўтказиш жойи ва аудиторияларни тайёрлайди, аттестацияни ўтказиш комиссияси таркибини шакллантиради;

тайинланган масъуллар ва аудитория кузатувчиларини якуний аттестация ўтказиш тартиби билан таништиради, тегишли ташкилий ишларни амалга оширади;

якуний аттестация материалларини кўпайтиришни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириш чораларини кўради;

якуний аттестацияни “online” тартибида ўтказиш учун барча чораларни кўради, хусусан, электр тармоқларининг узлуксиз ишлаши, интернет тезлигини ўртача 2Мб/сек дан кам бўлмаслиги, якуний аттестация ўтказиладиган хоналардаги ўқув жиҳозларининг созлигини, аттестация материалларининг махфийлигини таъминлайди.

8. Якуний аттестация жараёнининг сифатли ташкил этилиши ва белгиланган талаблар асосида юқори савияда адолатли



Ўтказилишига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда ҳудудий институтлар ректорлари шахсан масъул ҳисобланади.

#### **4-боб. Якуний аттестацияни ўтказиш тартиби**

9. Тингловчиларнинг якуний аттестацияни тинглаб тушуниш (Listening), ўқиб тушуниш (Reading), лексик ва грамматик компетенция (Lexical and Grammar Competence), ёзиш (Writing), гапириш (Speaking) кўникмаларини баҳолашдан иборат.

ҳамкорликда, Давлат тест маркази билан келишган ҳолда якуний аттестация материалларини (тест саволлари банки, ёзма (ижодий) иш ва суҳбат мавзуларни) шакллантиради ҳамда баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади;

якуний аттестация тест синовларини “online” тартибида ўтказиш учун барча тайёргарлик ишларини кўради ҳамда аттестация материалларининг махфийлигини таъминлайди;

ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларига (кейинги ўринларда ҳудудий институтлар деб юритилади) якуний аттестация материалларини етказди.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари:

якуний аттестацияга қатнашувчи иштирокчилар рўйхатини шакллантиради;

ҳудудий институтлар билан бирга якуний аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади ва Марказий институтга тақдим этади;

якуний аттестацияда иштирок этадиган ўқитувчиларни жадвал асосида белгиланган муддатларда аттестация ўтказиладиган жойга етиб келишларини таъминлайди.

#### **7. Ҳудудий институтлар:**

якуний аттестация ўтказиш жойи ва аудиторияларни тайёрлайди, аттестацияни ўтказиш комиссияси таркибини шакллантиради;

тайинланган масъуллар ва аудитория кузатувчиларини якуний аттестация ўтказиш тартиби билан таништиради, тегишли ташкилий ишларни амалга оширади;

якуний аттестация материалларини кўпайтиришни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириш чораларини кўради;

якуний аттестацияни “online” тартибида ўтказиш учун барча чораларни кўради, хусусан, электр тармоқларининг узлуксиз ишлаши, интернет тезлигини ўртача 2Мб/сек дан кам бўлмаслиги, якуний ат-

тестация ўтказиладиган хоналардаги ўқув жиҳозларининг соzлигини, аттестация материалларининг махфийлигини таъминлайди.

8. Якуний аттестация жараёнининг сифатли ташкил этилиши ва белгиланган талаблар асосида юқори савияда адолатли ўтказилишига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда ҳудудий институтлар ректорлари шахсан масъул ҳисобланади.

#### **4-боб. Якуний аттестацияни ўтказиш тартиби**

9. Тингловчиларнинг якуний аттестацияни тинглаб тушуниш (Listening), ўқиб тушуниш (Reading), лексик ва грамматик компетенция (Lexical and Grammar Competence), ёзиш (Writing), гапириш (Speaking) кўникмаларини баҳолашдан иборат.

10. Синовлар жадвал асосида ҳар куни соат 9-00 дан бошлаб тасдиқланган жадвал асосида тест синовлари, ёзма иш, суҳбат шаклида ўтади.

11. Тест синовлари компьютерда “online” тарзда аудитория раҳбари кузатувида амалга оширилади ва 2 соат давом этади. Шундан, тинглаб тушуниш кўникмасини аниқлаш бўйича тест топшириғи 20 та саволдан иборат бўлиб, унга 40 дақиқа вақт белгиланади. Ушбу вақт давомида тингловчи саволлар билан танишиб (5 дақиқа), аудио матн ёки суҳбатни тинглайди (15 дақиқа: 5 дақиқадан 3 марта) ҳамда тинглаб тушуниш (Listening) кўникмаларини аниқлаш бўйича тест топшириқлари ойнасидаги 20 та топшириқни бажаради (20 дақиқа). Тест саволларининг ҳар бири 5 балл билан баҳоланади ва умумий 100 баллни ташкил этади;

ўқиб тушуниш (Reading) кўникмаларини аниқлаш бўйича тест топшириқлари 20 та саволдан иборат бўлиб, 60 дақиқа вақт ажратилади. Тест саволларининг ҳар бири 5 балл билан баҳоланади ва умумий 100 баллни ташкил этади;

лексик ва грамматик (Lexical and Grammar Competence) кўникмаларни аниқлаш бўйича тест топшириқлари учун 20 та савол учун 20 дақиқа вақт ажратилади. Тест саволларининг ҳар бири 5 балл билан баҳоланади ва умумий 100 баллни ташкил этади.

12. Ёзма иш мавзуси Марказий институт томонидан тавсия этилган намунавий мавзулар асосида бир неча вариантда тайёрланади ва ёпиқ конвертларда танлаш орқали иштирокчиларга тарқатилади.

13. Ёзма ишнинг битта варианты 2 та топшириқдан иборат бўлиб, унга 60 дақиқа ажратилади, шундан:

1-топшириқ: берилган топшириқ асосида камида 150 та сўздан иборат бўлган хат (formal letter) - 20 дақиқа.

2-топширик: берилган топширик асосида камида 250 та сўздан иборат иншо (argumentative essay) - 40 дақиқа.

14. Сухбатда Марказий институт томонидан тавсия этилган намуна асосида ҳар бир иштирокчига 3 та топшириқли алоҳида билет тақдим этилади ва мазкур топшириқлар бўйича ҳар бир тингловчи билан 15 дақиқали сухбат ўтказилиб, Марказий институт тавсия этган мезон асосида 100 баллик тизимда баҳоланади.

15. Ҳар бир синов якунида иштирокчилар олган балли мазкур йўриқноманинг иловасида келтирилган жадвалга қайд этилади ва иштирокчиларнинг имзолари олинади.

16. Худудий институтлар Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирилиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари билан бирга якуний аттестация натижаларини таҳлил қиладилар, умумлаштирилган натижаларни Марказий институтга 12 июлдан кечиктирмай тақдим этадилар.

17. Марказий институт якуний аттестация натижалари асосида ўқитувчиларнинг ўзлаштириш мониторингини олиб боради, уларнинг рейтингини аниқлайди ва билимларида кузатилган бўшлиқларни тўлдириш, касбий маҳоратларини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилайди,

методистлар ва ўқитувчилар учун тегишли методик тавсиялар ишлаб чиқиб, август кенгашларида жойларга етказилади.

### **5-боб. Компьютерда тест топшириш жараёнини ташкил этиш**

18. Компьютерда тест топшириш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

тингловчи компьютер хонасига киргач, аудитория кузатувчиси томонидан берилган “логин”, “парол” билан компьютер ойнасида кўрсатилган тест топшириш муҳитига киради;

ойнанинг юқори қисми ўнг томонида ёзилган фамилияси ва исми тўғри эканлигини текшириб, аудитория кузатувчисининг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда босқичма-босқич тест топшириқларини бажаради;

тингловчининг фамилияси, исми, шарифи нотўғри эканлиги аниқланса, бу бўйича далолатнома тузилиб, Натижа чиқарилмайди;

тест якунида компьютер ойнасида кўринган натижа тингловчи билим даражасини аниқловчи ягона ҳужжат ҳисобланади. Ҳар бир тестга фақат битта жавоб берилади. Жавоб варианты танланиб “жавоб бериш” тугмаси босилгач жавобларни ўзгартириш мумкин бўлмайди;

агар жавоб вариантлари танланмай ўтказиб юборилса, ушбу саволга компьютер автоматик тарзда балл қайд этмайди;

компьютерда тест топшириқларини белгиланган тартибда тўғри бажариш учун тингловчи шахсан жавобгар ҳисобланади.

19. Яқуний аттестацияга тайёргарлик кўриш ва тест жараёнида тингловчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

тингловчи тест синовлари ўтказиладиган бино ҳудудига ҳудудий малака ошириш институти буйруғи билан тасдиқланган жадвалда кўрсатилган тест синовлари вақтидан 30 дақиқа, тест ўтказиладиган хонага эса тест бошланишидан 15 дақиқа олдин фақат фуқаролик паспорти ва кўк рангли (пастали) шарикли ручка билан киритилади (ёзма иш учун). Луғат, китоб, мобил телефон ва бошқа электрон воситаларни аудиторияга олиб кириш тақиқланади;

тест синовлари бошлангандан кейин тингловчи аудиторияга киритилмайди, тест синовларига келмаган тингловчилар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди;

тест синовлари вақтида тингловчининг аудиториядан чиқиши тақиқланади ва аудиториядан сабабсиз чиққан тингловчи тест синовларига қайта қўйилмайди;

тест синовлари давомида тингловчиларнинг бир-бирлари билан гаплашиши, шунингдек, тест саволларидан нусха олиши тақиқланади;

агар тингловчи мазкур талабларга риоя қилмаса, у тест синовлари ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва унга тест синовларидан четлаштириш тўғрисидаги далолатнома тузилиб, тест синовларидан четлаштирилади;

тест синовини яқунлаган тингловчининг тест синови натижалари аудитория кузатувчиси томонидан қайд этилади ва тингловчи қайдномага имзо қўйиб, аудиториядан чиқади.

### **6-боб. Яқуний қоида**

20. Мазкур йўриқнома асосида белгиланган қоидаларга амал қилиниши ҳамда вазифаларни сифатли бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан назорат қилинади.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар  
хафталик курсларининг якуний аттестациясини ўтказиш тартиби бўйича йўриқномага илова  
вилоят/шаҳар \_\_\_\_\_ туман (шаҳар)даги - сонли таянч мактаб негизда инглиз  
тили ўқитувчилари учун ўтказиладиган ҳар ҳафталик курсларда 2017 йил \_\_\_\_\_ куни ўтказилган  
якуний аттестация натижалари ҳақида маълумот

| № | Ўқитувчининг<br>Ф.И.Ш. | Иш жойи (мак-<br>таби) | Тинглаш<br>(Listening) | Ўқиш<br>(Reading) | Ўқуш<br>(Writing) | Ўқуш<br>(Speaking) | Ўқуш<br>(Total score) | Ўқуш<br>(Comments)* |
|---|------------------------|------------------------|------------------------|-------------------|-------------------|--------------------|-----------------------|---------------------|
| 1 |                        |                        |                        |                   |                   |                    |                       |                     |
| 2 |                        |                        |                        |                   |                   |                    |                       |                     |
| 3 |                        |                        |                        |                   |                   |                    |                       |                     |
| 4 |                        |                        |                        |                   |                   |                    |                       |                     |
| 5 |                        |                        |                        |                   |                   |                    |                       |                     |
| 6 |                        |                        |                        |                   |                   |                    |                       |                     |
| 7 |                        |                        |                        |                   |                   |                    |                       |                     |

\* Изоҳ бўлимега иштирокчининг ёзиш ва гапириш кўникмасида кузатилаётган камчиликлар қисқача қайд этилиши мумкин

Комиссия раиси  
Аъзолари

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 27 июнь

215-сонли

**Б У Й Р У Қ И****АЙРИМ ФАНЛАР ЧУҚУР ЎРГАНИЛАДИГАН ДАВЛАТ  
УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СИНФЛАРИ ҲАМДА ДАВЛАТ  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ  
УЧУН ТАЯНЧ ЎҚУВ РЕЖАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги “Айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 173-сонли, 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли, 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорларига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари ҳамда давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари учун ўқув режалари ва тушунтириш хатлари 1-2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (С.Сейткамалов), Республика таълим маркази (И.Зокиров)га:

бир ой муддатда ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларида чуқур ўрганиладиган фанлар бўйича ихтисослик фанлари учун ўқув режалари қисқартирилган умумтаълим фанларининг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, ўрнатилган тартибда илмий-методик кенгашда тасдиқлаш ва 2017-2018 ўқув йилида 2- ва 5-синфлардан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этиш;

2017 йилнинг 5 августига қадар вазирликнинг Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Хундибаев), Ziyonet ресурс марказининг вазирликда-

ги бўлими (У.Тайлақов) билан ҳамкорликда умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурларини вазирликнинг расмий веб-сайти (uzedu.uz) ва ziyonet.uz ахборот-таълим порталига жойлаштириш;

худудий халқ таълими бошқарув идоралари билан ҳамкорликда ўқув режа ва унинг ижроси билан боғлиқ ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини анъанавий Август кенгашларида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш;

худудий халқ таълими бошқаруви идоралари билан биргаликда ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари томонидан ўқув режанинг бажарилишини назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

мазкур буйруқ билан тасдиқланган таянч ўқув режа ва тушунтириш хатида белгиланган вазифалар ижросини қатъий назоратга олиш;

ўқув режада белгилаб берилган битта фан чуқур ўрганиладиган ихтисослик фанларининг ўқув режалари мактаб педагогика кенгашида кўриб чиқилган ҳолда, туман(шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, иккита фан чуқур ўрганиладиган ихтисослик фанларининг ўқув режалари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан тасдиқланишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу буйруқ қабул қилинганлиги муносабати билан Халқ таълими вазирининг 2012 йил 7 июндаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг ўқув режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 178-сонли буйруғи ва иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2014 йил 11 июндаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг таянч ўқув режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 173-сонли буйруғи ва унинг иловалари 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич ўз кучини йўқотиши эътиборга олинсин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С.Турғунов зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 30 июнь

216-сонли

**Б У Й Р У Қ И****ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ ҲАМДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ  
КУРАШИШ СОҲАСИДА ЯГОНА АХБОРОТ ТИЗИМИНИ  
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАТБИҚ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 июндаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида Ягона ахборот тизимини босқичма-босқич татбиқ қилиш чора-тадбирлари Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 441-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида Ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда Ягона тизим деб аталади) босқичма-босқич татбиқ қилиш чора-тадбирлари Дастурини амалга ошириш бўйича вазирликнинг режаси 1-иловага, ҳамкор ташкилотлар томонидан Ягона тизимга жойлаштириладиган ва фойдаланиладиган маълумотлар жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ягона ахборот тизимига жойлаштирилган маълумотлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилиши таъминлансин.

3. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Ҳ.Даминов) Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт (марказ)лари ректор (директор)лари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари Ягона тизимдаги мавжуд маълумотлар бўйича тегишли чораларни кўриш учун ҳудудий бўлинмаларга ўз вақтида етказилишини таъминласин.



4. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров) қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона тизимдан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли ташкилий-техник чора-тадбирларни кўрсин.

Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирлигининг  
2017 йил 30 июндаги 216-сонли буйруғига 1-илова

**Хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида Ягона ахборот тизимини босқичма-босқич татбиқ қилиш чора-тадбирлари Дастурини амалга ошириш бўйича Халқ таълими вазирлигининг режаси**

| №  | Тадбир номи  | Амалга ошириш шакли | муддати          | Масъул ташкилотлар   | ХТВдан масъуллар                                   |
|----|--|---------------------|------------------|--|--|
| 1. | Ягона ахборот тизимига жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини шакллантириш.<br>Ягона ахборот тизимига кириш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар рўйхатини аниқлаш. | Ички буйруқ         | 2017 йил декабрь | Бош прокуратура, МХХ, ИИВ, ТИВ, ДБҚ, ДСҚ, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Мажбурий ихро Бюроси. | МАТБ<br>(Х.Даминов),<br>ТТЖАКТЖЭБ<br>(А.Хундибаев) |
| 2. | Давлат ташкилотлари ходимларининг Ягона ахборот тизимида ишлаш бўйича ўқувларини ташкил этиш   | Жадвал бўйича       | 2018 йил март    | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар   | МАТБ<br>(Х.Даминов),<br>ТТЖАКТЖЭБ<br>(А.Хундибаев) |
| 3. | Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа ташкилотларни Ягона ахборот тизимига улаш  | Жадвал бўйича       | 2018 йил март    | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар  | МАТБ<br>(Х.Даминов),<br>ТТЖАКТЖЭБ<br>(А.Хундибаев) |

Халқ таълими вазирлигине  
2017 йил 30 июндаги 216-сонли буйруғига  
2-илова

**Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича  
Ягона ахборот тизимига жойлаштирилган ва фойдаланиладиган маълумотлар жадвали**

| №  | Маълумот тури  | Маълумот киритувчи давлат органи | Маълумотнинг қиритилиш даврийлиги | Маълумотдан фойдаланишга ваколатли орган ва ташкилотлар  | ХТВдан маъсуллар     |
|----|--|----------------------------------|-----------------------------------|--|----------------------|
| 1. | Қўйидаги ҳолатлар бўйича статистик маълумотлар:<br>3 ойдан ортиқ бўлган муддатга чет элга чиқиб кетганлар ёки узоқ муддат (3 ойдан узоқ бўлган муддатда)дан сўнг қайтиб келганлар;<br>профилактика ҳисобда турувчилар. | Ички ишлар вазирлиги             | Маълумот мавжуд бўлганда          | Бош прокуратура, МХХ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари | МАТБ<br>(Х. Даминов) |
| 2. | Одам савдоси қурбонларига айланганлар рўйхати  |                                  |                                   |  |                      |
| 3. | Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ёки вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам курсатиш марказларига жойлаштирилганлар ҳақида статистик маълумотлар   |                                  |                                   |  |                      |

|    |   |                               |                               |   |                             |
|----|---|-------------------------------|-------------------------------|---|-----------------------------|
| 4. | <p>Куйидаги шахслар буйича статистик маълумотлар:</p> <p>республика ва хорижда таълим олаётганлар сони тўғрисида;<br/>         сабсиз равишда доимий дарс колдирувчи ўқувчилар;<br/>         файриижтимоий хулққа эга бўлганлар;<br/>         хуқуқбузарликларга мойиллиги борлар;<br/>         ота-онаси қарамоғисиз қолган вояга етмаганлар;<br/>         нотинч оилаларда яшовчи вояга етмаганлар.</p> | <p>Халқ таълими вазирлиги</p> | <p>Ҳар ойнинг 10 санасига</p> | <p>Бош прокуратура, МХХ, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари</p> | <p>МАТБ<br/>(Х.Даминов)</p> |
|----|---|-------------------------------|-------------------------------|---|-----------------------------|

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 30 июнь

219-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**“МАКТАБГАЧА ВА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ” ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА 7 НОМДАГИ  
КИТОБЛАР ТЎПЛАМИНИ ОИЛАЛАРГА ТАРҚАТИШ ЖАРАЁНИНИ  
ЎРГАНИШ ВА АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 декабрдаги 371-сонли қарорига мувофиқ Таълимда глобал ҳамкорлик ташкилоти гранти асосида Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда ХТВ деб юритилади) томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Мақтабгача ва умумий ўрта таълимни ривожлантириш” лойиҳаси (кейинги ўринларда Лойиҳа деб юритилади) доирасида қишлоқ ҳудудларда яшайдиган 3-6 ёшдаги фарзандлари мактабгача таълим тизимига қамраб олинмаган оилаларга болаларга ўқиб бериш учун бепул китоблар тарқатиш назарда тутилган.

Шу мақсадда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (кейинги ўринларда “Маҳалла” фонди деб юритилади) нинг ҳудудлардаги бўлинмалари ва халқ таълимининг ҳудудий бошқармалари томонидан мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган 3-6 ёшдаги фарзандлари бўлган оилалар рўйхати шакллантирилди.

Ҳудудлар тақдим этган ушбу оилалар рўйхати “Маҳалла” фонди ва ХТВ томонидан умумлаштирилиб, Жаҳон банки белгилаган мезонлар асосида китобларни тарқатиш учун 200000 та оила танлаб олинди.

Китоблар тўплами тарқатиладиган ҳар бир мактабгача таълим муассасаси (кейинги ўринларда МТМ деб юритилади) бўйича китоб тарқатиладиган оилаларнинг рўйхати шакллантирилди. Ушбу рўйхат Таълимда глобал ҳамкорлик ташкилотининг “Мақтабгача ва умумий ўрта таълимни такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган 3-6 ёшдаги болаларнинг ота-оналарига 7 номдаги китоблар тўпламини тарқатиш бўйича тавсиянома” (кейинги ўринларда Тавсиянома деб юритилади) билан бирга ХТВнинг 2017 йил 17 июндаги 01-253-сон-

ли хати орқали жойларга юборилди.

Бугунги кунда 7 номдаги китоблар тўплами ХТВ тасдиқланган тақсимот бўйича “Ўқув таълим-таъминот” давлат унитар корхонаси томонидан ҳар бир китоб тарқатиладиган МТМга етказилди.

Китоблар тўпламини оилаларга тарқатиш жараёни белгиланган тартибда амалга оширилаётганлигини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида

### **БУЮРАМАН:**

1. Лойиҳа доирасида яратилган 7 номдаги китоблар тўпламини МТМ томонидан қабул қилиб олинishi ва ота-оналарга қатъий танлаб олинган оилалар рўйхати асосида тарқатилиши, китоблар тўпламини тарқатиш жараёнида Тавсияномада белгиланган қоидаларга риоя этилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилик, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ва мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.

2. Китоблар тўплами тарқатилишини ўрганиш ва амалий ёрдам бериш учун Лойиҳа консультантлари хизмат сафарига юборилсин ва хизмат сафари муддатлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Хизмат сафарига юборилган Лойиҳа консультантлари ҳар бир ҳудудда танлов асосида оилалар сони энг кўп бўлган 8-10 та МТМда китоб тарқатиш бўйича олиб борилаётган ишларни ўргансин.

Ўрганиш жараёнида қуйидагиларга эътибор берилсин:

МТМда китобларни белгиланган тартибда қабул қилиб олинганлиги;

МТМ Лойиҳа томонидан тақдим этилган китоб тарқатиладиган оилалар рўйхатини китобларни тарқатиш қайдномаси шаклида вилоят халқ таълими бошқармасидан олганлиги ва рўйхатдаги оилалар текширилганлиги;

Тавсияномада белгиланган таркибда ишчи гуруҳ тузилганлиги; китоблар тарқатиладиган оилаларга китоблар тўпламини тарқатиш санаси, вақти, жойини эълон қилганлиги;

китоблар тўплами қатъий рўйхат асосида тарқатилганлиги;

китобларни тарқатиш жараёнида китобларни тарқатиш қайдномасига ота-оналар тўғрисидаги маълумотлар ёзилганлиги ва ота-оналарга китобларни олганлиги тўғрисида имзо қўйдирилганлиги;

рўйхатда номувофиқлик аниқланган, ота-оналар фамилияси қайта такрорланган, оиланинг яшаш манзили ўзгарган ёки оила то-

монидан китоблар тўпламини олиш рад этилган ҳолатларда ушбу китоблар МТМда қолдирилганлиги ва Ишчи гуруҳ томонидан китобларни тарқатилмаслик сабаблари ва китоблар тўплами сони кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилганлиги.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

хизмат сафарига юборилган Лойиҳа консультантларининг китоблар тўпламини ота-оналарга тарқатиш жараёни ўрганилишини ташкил этиш;

китоб тарқатиш жараёнини Тавсиянома асосида ташкил этиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича Лойиҳа консультантлари томонидан ўтказиладиган семинарларга туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг мактабгача таълим методистлари иштирокини таъминлаш;

мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

китоблар тўплами тарқатилганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни ҳудуд бўйича умумлаштириб, жорий йилнинг 15 августига қадар ХТВ ва Лойиҳа консультантларига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

5. Хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар Лойиҳа маблағлари ҳисобидан қоплансин.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С.Турғунов зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 6 июль

224-сонли

**Б У Й Р У Қ И****ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ЁШЛАРГА ОИД  
ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ТАШ-  
КИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли Фармонига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони (бундан буён матнда Фармон деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фармонга мувофиқ, қуйидагилар:

Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси – мамлакатимизда “**Ёшлар куни**” деб эълон қилинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши ташкил этилганлиги ва унга Халқ таълими вазири аъзо сифатида киритилганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тузилиши белгиланганлиги;

буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб



хизмат қилишини инобатга олган ҳолда республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига “**Темурбеклар мактаби**” номи берилганлиги;

республиканинг барча туман ва шаҳарларида синов тариқасида 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизимининг жорий этилиши муносабати билан бўшайдиган коллежларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари ихтиёрига бегараз ўтказиш, уларнинг негизида барча қулайликларга, шу жумладан кутубхона ва китоб дўконига эга бўлган **Ёшлар марказлари ва замонавий ёшлар кинотеатрларини, шунингдек ёшларни, айниқса, уларнинг уюшмаган қисмини 6 ойгача бўлган муддатда касб-хунарга тўловсиз ўқитиш марказларини ташкил этиш дастурининг** ишлаб чиқиши;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланиши ва мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилганлиги;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун **ипотека кредитининг бошланғич тўлови** Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракти миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланганлиги;

мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида **2018-2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйларини барпо этиш дастурини** ишлаб чиқиш белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

**биринчидан**, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти-

нинг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш;

**иккинчидан**, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш;

**учинчидан**, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш;

**тўртинчидан**, ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятларини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришларига қўмаклашиш;

**бешинчидан**, ёшларнинг илмий ва бадиий китобларни, шу жумладан электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишларини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

**олтинчидан**, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишини олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

**еттинчидан**, ёшларни, айниқса уларнинг уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғарақлар ва турли, шу жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш;

**саккизинчидан**, ёш оилалар, хусусан имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил

этиш;

**тўққизинчидан**, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш;

**ўнинчидан**, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш;

**ўн биринчидан**, ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қиладиган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

**ўн иккинчидан**, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан кўмак бериш.

Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш.

4. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Х.Даминов) ва Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

“Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” республика танловларини, “Китоб байрами” ва “Болалар китоблари” аънавий республика фестивалларини;

“Биз Ватанга таянчимиз”, “Бизнинг энг катта таянчимиз ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёшлар” шиорлари остидаги акцияларни;

“Адабиёт ва санъат - шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили” мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокидаги учрашувларни;

республиканинг чекка ҳудудларида халқ рассомлари, халқ усталари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун “Бунёдкор халқим билан мулоқот – ижодим илҳоми” мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувларни;

“Энг буюк жасорат – маънавий жасоратдир” мавзусида давра суҳбатларини доимий равишда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) Молия вазирлиги билан биргаликда 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида “катта етакчи” ва “тўғарак раҳбари” штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган **“ёшлар етакчиси”** штат бирлигининг жорий этилиши муносабати билан умумтаълим муассасаларининг намунавий штатлар жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

6. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Х.Даминов) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ташкил этиладиган ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказлари билан яқиндан ҳамкорлик қилинишини таъминласин.

7. Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев)га:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида ташкил этиладиган **Ёшлар муаммолари ни ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти** билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришадиган йигитларни тақдирлаш мақсадида таъсис этиладиган **“Мард ўғлон”** давлат мукофоти ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида таъсис этиладиган **“Келажак бунёдкори”** медалига ўрнатилган тартибда муносиб номзодларнинг тақдим этилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

8. Назорат ва таҳлил бошқармаси (К.Инаков) Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) билан биргаликда вазирлик раҳбариятининг ҳар ойда камида бир марта ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказиши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ташкилий-техник чораларни кўрсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт (марказ)лари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларига:

уч кун муддатда мазкур буйруқнинг ижроси юзасидан ўзларининг тегишли буйруқларини қабул қилиш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг жойлардаги ҳудудий ва туман (шаҳар) кенгашлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирларининг ҳар ойда камида бир марта ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиб боришини жорий этиш вазифалари топширилсин.

10. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TAЪЛИМИ  
BAZIRINING**

2017 йил 17 июль

231-сонли

**Б У Й Р У Қ И****ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ХУКУМАТИНИНГ АЙ-  
РИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛГАНЛИГИ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори)” 385-сон қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 июндаги 385-сонли қарорига мувофиқ куйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги, 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сонли қарори билан тасдиқланган Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисидаги ҳамда 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низомлардаги “вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар” сўзлари “вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар” сўзлари билан;

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги 158-сонли қарори билан тасдиқланган Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги Низомдаги “балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси” сўзлари “вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия” сўзларига алмаштирилганлиги инobatга олинсин.

2. Самарқанд ва Тошкент вилоятларида жойлашган Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож

болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга (кейинги ўринларда ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 июндаги 385-сонли қарорига мувофиқ болаларни қабул қилиш ёши ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшга ўзгартирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Х.Даминов) ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сонли қарори билан тасдиқланган Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ўн бир ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларнинг юборилишини назоратга олсин.

4. Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков), Самарқанд (Р.Юлдашев) ва Тошкент (Н.Рўзиқулов) вилоятлари халқ таълими бошқармалари бошлиқларига: ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда тарбияланувчилар сонининг ортиши муносабати билан биноларнинг моддий-техник базаси ҳамда жиҳозларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш;

зарур ҳолларда ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ҳар йили шакллантириладиган Инвестиция дастурларига киритиш орқали ҳамда ажратилган маблағлар доирасида моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш вазибалари юклатилсин.

5. Самарқанд (Р.Юлдашев) ва Тошкент (Н.Рўзиқулов) вилоятлари халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда болалар сони ортиши муносабати билан дарсликлар, ўқув қуроллари ҳамда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплаш;

тарбияланувчиларнинг давлат таълим стандартлари асосида умумий ўрта таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш;

болаларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, қонунларга итоаткорлик ва масъулиятлилик туйғуларини шакллантириш борасида ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар фаолияти юзасидан тизимли назоратни таъминлаш вазибалари юклатилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу буйруққа мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**Bosh muharrir:**

Mahmudov Sarvar Yuldashevich

**Bosh muharrir o'rinbosari v.v.b:**

Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

**Mas'ul kotib:**

Tashxanov Nurbek Aybekovich

**Badiiy muharrir:**

Mamasoliyev Akbarali Hamzayevich

**Tahrir hay'ati:**

Ulug'bek INOYATOV, Sobitxon TURG'UNOV, Dilshod KENJAYEV,  
Risboy JO'RAYEV, Hikmatilla RASHIDOV, G'ayrat SHOUMAROV,  
Ma'rufjon VAXOBOV, Qudratjon INOQOV, Sharifjon ERGASHEV,  
Fayzulla AHMEDOV, Shavkat SHARIPOV, Maqsudjon YULDASHEV,  
Islom ZOKIROV, Alisher ZOKIROV, Hikmatilla DAMINOV

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.

E-mail: xalq\_talimi@xtv.uz Tel.: (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O'zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro'yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to'liq, o'zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi.

"MAKTUB PRINT" mas'uliyati cheklangan jamiyatida chop etildi.

Toshkent shahri, Shayhontoxur tumani, Navoiy ko'chasi, 30-uy  
Bosishga ruxsat etildi: 09.08.2017-y. Qog'oz bichimi 84x108 1/32.

Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 7,0. Adadi 19 818 nusxa.

-buyurtma.

Bahosi kelishilgan narxda.

Ushbu songa mas'ul – Egamqulov Elmurod Qosimovich